

O'zbekiston adabiyoti va san'ati



1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

2022-yil 16-dekabr / № 50 (4709)

ЧАҚМОҚДЕК ЧАҚНАГАН ШОИР

Пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида атоқли ижодкор Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигига бағишланган адабий-маърифий кеча бўлиб ўтди.

Унга ёзувчи ва шоирлар, адабиёт-шунослар, маънавий тарғиботчилари, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Тадбир аввалида Ўзбекистон Кинематография агентлиги томонидан суратга олинган “Усмон Носир” фильми намойиш этилди.

Маърифий кечада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, таниқли адабиётшунос олим Баҳодир Каримов миллий адабиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшган ёзувчи ва шоирлар хотирасини абадийлаштириш, адабий меросини оммалаштиришга устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидладилар.

— Давлатимиз раҳбарининг атоқли шоир Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори юртимиз ижтимоий-адабий ҳаётида улкан воқелик бўлди, — деди Сирожиддин Саййид. — Зеро, ёшлар маънавиятини юксалтиришда Усмон Носир шеъриятининг ўрни беқийсдир. Уюшма томонидан Усмон Носирнинг икки жилдлик китоблари нашр этилди. “Туркий адабиёт дурдоналари” номли 100 жилдлик китоблар

тўпламидан оташнафас шоир ижодидан намуналар, академик Наим Каримовнинг Усмон Носир ҳақидаги маърифий романи ўрин олди. Шоир таваллудининг 110 йиллигига бағишланган тадбирлар наинки мамлакатимизда, балки Россия Федерациясининг Кемерово ўлкасидаги кутубхоналар, маърифат масканларида ҳам кенг нишонланди.

Дарҳақиқат, Усмон Носир чақмоқдек умри билан борлиқни мунаввар этган шоирдир. Унинг ижоди ҳозирга қадар қалбларга мусаффолик бағишламоқда.

— Усмон Носир зиддиятли замоннинг шоири эди, — деди адабиётшунос олим Баҳодир Каримов. — У ўзига таҳлилий-танқидий назар сола олган ижодкордир. Шоир гоҳида табиат билан сирлашди, гоҳи жамият билан тиллашди, куёш билан суҳбатлашди. Унинг шеърияти — юрак шеърияти. Юракни эса шеъриятга солиш гоҳи мушкул. Рост ва ҳаққоний ёзмоқ, ёзиб азобланмоқ саодати барчаннинг ҳам пешонасига битган эмас. Унда миллатпарварлик билан бирга байналмилал гоғалар ҳам етарлидир. Навқирон шоир жаҳон адабиёти билан машғул бўлди. Пушкин, Лермонтовдан гўзал таржима-

лар қилди. Шоир шеърларида таъкид, ундов кўп, саволлар ҳам етарли. Унинг қилчдек ўткир қалами бор эди. Усмон Носир гўзал шеърлар битди, гўзал драматик асарлар яратди.

Шоир умрининг охири ниҳоятда маҳзун эди. Унинг шеърларини ўқийлик, қайта-қайта идрок этайлик. Ўзини гоҳи истеъдодли шоир, таржимон, драматург сифатида намоен этган Усмон Носир ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари бошларидаёқ ўз дунёқараши орқали ўзбек шеъриятига янгича оқим олиб кириб, унга муносиб ҳиссасини қўшган шоир сифатида танилган. Шоирнинг “Куёш билан суҳбат”, “Сафарбар сатрлар”, “Юрак”, “Меҳрим” сингари китоблари шеърият ихлосмандлари меҳрини қозонган. Унинг сатрлари юртга, она-заминга, табиатга муҳаббат, ҳурриятга чорловнинг бетакрор намунаси дир.

Президентимизнинг 2022 йил 10 февралдаги “Оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини нишонлаш тўғрисида”-ги қарори олов қалб шоир ижодини янада кенгрок ўрганишда янги имкониятларни очди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан шоир ижоди акс эттирилган китоблар чоп этилди, илмий-маърифий тадқиқотлар олиб борилди. Усмон Носир

ижодига оид адабий анжуманлар, мулоқотлар, учрашувлар ташкил этилди.

Янги саҳна ва экран асарлари юзага келди. Наманган шаҳрида Усмон Носир хибони барпо этилди. Шоир номи билан боғлиқ музей, кутубхона ташкил этилди...

Адабий-маърифий тадбирда “Унутмас мени боғим” номли шеърий композиция ёш ижодкорлар томонидан ижро этилди. Халқаро танловлар совриндори Умид Исроилов ҳамда хор жамоаси томонидан “Юрак” кўшиғи куйланди.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Беҳзод Муҳаммадкаримов ҳамда таниқли шоир ва таржимон Николай Илин томонидан Усмон Носирнинг шеърлари ўзбек ва рус тилларида ўқилди.

Кечада Ўзбек Миллий академик драма театрида ёзувчи Нодира Рашидова асари асосида режиссёр Марат Азимов томонидан саҳналаштирилган “Усмон Носир” спектакли намойиш этилди.

Оташнафас шоир ижодига бағишланган анжуманлар, кечалар, адабий тадбирлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири**



УСМОН НОСИР ҲАҚИДА СЎЗ

Аёнки, биз тенги авлод Усмон Носирни кўрган эмас. Лекин шоирнинг ижодий йўли, ҳаёти ва тақдири барчамизга яхши маълумдир. Унинг умри гоҳи долғали ва шарафли тарихий даврга дуч келди. Мамлакатда ўзгаришлар батамом қарор топаётган йиллар, ўзига хос қийинчиликлар, энг муҳими, янги замоннинг сурури шоир ва граждон сифатида Усмон Носир авлодини шакллантирган омилардир. Шоир ҳақида сўз юритишга, энг аввало, унинг ижоди асос бўлади. Замондошларининг хотиралари, турли савиядаги тадқиқотлар, тушунтиришлар ёхуд фарзлар шоир ижодидан келиб чиқадиган бевосита таассуротни сира ўзгартирмайди. Шу маънода бизнинг қаршимизда Усмон Носирнинг ўзи, унинг ижоди ягона ва асл манба сифатида турибди.


Хўш, шоир ижоди билан танишиб чиққанда бизда уйғонадиган биринчи та-

**Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони**

ассурот нима? Усмон Носир, шубҳасиз, йирик истеъдод эгаси. Шу ўринда умуман шоирлар ҳақида баъзи хулосаларни, муқоясаларни айтиб ўтсак ўринли бўлар. Ҳа, адабиётда ҳаммаша икки тоифа ижодкорлар давр суриб келганлар. Улардан биринчиси, таъбир жоиз бўлса, қосиблардир.

Косиблар кимлар? Улар шеъриятда умуман қандай мақомда намоен бўладилар? Адабиётдаги қосиб на фақат ўз истак ва орзуларига кўра, балки тирикчилик тақозоси туфайли ёхуд ном қозониб яшаш иштиғида қўлига қалам олади. Баъзилари эса бу соҳага мутлақо тасодиф туфайли аралашиб қолган омадсиз меҳнаткашлар бўлиб чиқади. Нима бўлган тақдирда ҳам, қанчалик яшовчан бўлса-да, адабиётда қосиблик унинг соҳибига обрў келтирган эмас.

Иккинчи тоифа эса, қалб амри билан ижод қилувчи, ўзи ёққан алангада ўзи қовурилувчи, чексиз машаққатли меҳнатдан хузуру ва ҳаловат олгувчи, қисқаси, ижодни қисмат деб билгувчи шахслардир. Уларни кўпинча тугма истеъдод эгалари деб ҳам аташади.



Аҳмад ТўРА олган суратлар.

Худойберди Тўхтабоев таваллудининг 90 йиллиги



Атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев ижодий салоҳиятини болалар, ўсмирлар дунёсини тасвирлашга, ёш авлодни баркамол инсонлар бўлиб етиштириш, маънавий олами бойишига сафарбар этди. Ёзувчи ўткир публицистик асарлари, ҳикоя ва қиссалари, айниқса, “Сариқ девни миниб”, “Сариқ девнинг ўлими”, “Қасоскорнинг олтин боши”, “Ширин қовунлар мамлақати” сингари романлари билан кенг доврў қозонди. Бу асарларнинг айримлари

дунё халқларининг йигирмадан ортиқ тилларига таржима қилинган. Кўйида “Ёшлик” журналининг 2013 йилдаги 1-сонидан берилган ёзувчининг суҳбати жузбий қисқаришлар билан эълон қилинмоқда. Суҳбатни ўқиб, устоз адибнинг ижтимоий, маънавий муаммолар, болалар олами, маънавияти, адабиёти, қолаверса, ўзининг ижодий тажрибалари ҳақидаги теран фикр-мулоҳазалари бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмаганига ишонч ҳосил қиласиз.



4-5

ИЛК АДАБИЙ ФЕСТИВАЛЬ

Жорий йилнинг 19 декабрь куни Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетида асарлари дунёнинг йигирма икки тилига таржима қилинган машҳур испан ёзувчиси Хавьер Моро “Испания — Ўзбекистон ва Марказий Осиё” биринчи адабий фестивалини очиб беради.

Фестивалдан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистон тарихий меросини адабиёт орқали Испания ва Европада, шунингдек, испан тилида сўзлашувчи мамлакатлар ўртасида оммалаштиришдан иборат.

Хавьер Моро ушбу адабий байрам XV асрда Амир Темур саройига ташриф буюрган испан элчиси Руй Гонсалес де Клавихо шарафига бағишланишини таъкидлади. Самарқанддаги Амир Темур мақбараси ёнидаги кўчаларидан бирига номи берилган испан дипломати Сохиққироннинг ҳаёти ва фаолияти, унинг салтанати ҳудудларини тавсифловчи “Самарқандга саёҳат” кундалигини ёзгани тарихдан маълум. Ушбу асар “Кастилиядан Самарқандга дипломатик миссия” номи билан ҳам машҳурдир.

Хавьер Моро реал воқеаликларга асосланган романлари билан танилган испан ёзувчиси. Унинг “Ҳинд эҳтироси” ва “Қизил сари” каби романлари испан дунёсини Ҳиндистонга олиб кирди. 2011 йилда Хавьер Моро Бразилия им-

ператори Педро I ҳақидаги “Империя бу сенсан” китоби учун испан тилида ёзилган энг яхши асарларга бериладиган нуфузли “Planeta” адабий мукофоти билан тақдирланган.



Хавьер Моро ўзининг асарлари орқали турли давлат ва халқлар маданиятини тарғиб қилади. Чунки унинг китоблари орқали ўқувчилар турли мамлакатларга ўзига хос саёҳат қилиши мумкин.

Тадбир ўзбек халқи испан ёзувчилари асарлари кумагида Испания ва Лотин Америкаси мамлакатларига ўзига хос саёҳат қилиши, испанлар ва лотин америкаликлар эса Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари билан яқиндан танишишига хизмат қилади.

“Дунё” АА

Мадрид

Усмон НОСИР

БОҒИМ

О, у қандай фусункор!
Нур билан тўлган бутун.
Гуллари чаман-чаман,
Мен уларни ичаман:
Кўнглимда яшнар баҳор...
Нур билан тўлган бутун.

Баргдек узилиб кетсам,
Унутмас мени боғим:
Ишимни хурмат қилур,
Гуллардан ҳайқал қурур.
Минг йиллардан кейин ҳам
Унутмас мени боғим!

Шеърларим янграб қолур —
Бир умрга ўлмайман!
Ҳаётимнинг давоми —
Келажакимга ҳомий,
Ўрнимга боғбон бўлур —
Бир умрга ўлмайман!

О, у қандай давомдор!
Нур билан тўлган бутун.
Гуллари чаман-чаман,
Мен уларни ичаман:
Кўнглимда яшнар баҳор...
Нур билан тўлган бутун.



Чинакам истеъдод ҳамма даврларда ўз сўзини айтган. Истеъдод ҳассос истеъдод эгаларини жисмонан йўқ қилиши мумкин, аммо уни маънан маҳв этолмайди. Ижоди билан ўзбек адабиётига янги нафас олиб кирган новатор

аччиқ қисмати ва ижодига оид мақола-лар, адабий рисола-лар ва илмий-оммабоп асарлар чоп этилди. Драматик асарлар яратилиб, саҳналаштирилди. Республика Маънавият ва маърифат маркази хузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар

ЁШ ИЖОДКОРЛАР АРДОҒИДА

шоир Усмон Носир қисмати бунинг яққол исботи. Асарларини мутолаа қилиш у ёқда турсин, номини тилга олиш қатъиян тақиқланган замонларда ҳам шеърият ихлосмандлари унинг шеърларини севиб ўқишган. Шоирдан бешта шеърий тўплам, икки дoston ва бир нечта драма адабий мерос бўлиб қолди.

Жорий йил бошида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори эълон қилинганда йил давомида ўтказиладиган адабий мулоқотлару янги тадқиқотлар завқини туйиб, шоир асарларининг қайта нашр этилишидан севинган эдик. Кутганимиздек, Усмон Носирнинг

институту томонидан тайёрланган “Усмон Носир” илмий-оммабоп рисоласида шоирнинг ҳаёти ва ижоди, Усмон Носир феноменининг ўзига хос жиҳатлари кўрсатиб берилди.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида мунтазам ўтказиб келинаётган “Хибон оқшомлари” мушоирасининг навбатдаги машғулоту шоир Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигига бағишланди. Унда шоир ижодини, аянчли тақдирини чуқур ўрганиб, драматик, публицистик ва шеърий асарлар яратган тажрибали адиблар қатнашди. Тадбирнинг иккинчи қисмида “Ёшлар шеърияти” саҳифасига навбат берилди.

Зулайхо АҲМАДЖОНОВА

ЭПЛАГАН ЭЛАҚДА СУВ КЕЛТИРАР

Аҳолига тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишида моддий кўмак бериш, даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш чораларини янада такомиллаштириш, ижтимоий муҳофазатга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш, маҳаллабай ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир.

Давлатимиз раҳбарининг маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқарттириш, шунингдек, маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий аҳоли хонадонбай ўрғаниш, яшаш шaroитларини янада яхшилашга қаратилган чораларни амалга ошириш мақсадида ҳудудларда ҳоким ёрдамчилари лавозими жорий этилди.

Мазкур фармон ва қарор талабларига асосан, ҳудудлардаги барча маҳаллаларга ўз касбининг устаси бўлган ҳоким ёрдамчилига номзодлар саралаб олинди ва улар ўз хизмат вазифаларига киришди. Улар аксарияти вилоят, туман ташкилотларида ишлаган, бир қисми тадбиркорлик билан шуғулланаётган шахслардир.

Бугун "Инсон қадрини унун" тамойилига асосан, халқ фаровонлигини ошириш, тадбиркорликни жадал ривожлантириш ва қўшимча иш ўринларини яратиш орқали камбағалликни қисқарттириш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг натижасини кўрмоқдамиз. Энг кўйи поғонадан бошлаб тадбиркорликка эътибор қаратиш, камбағалликни қисқарттириш бўйича тизим йўлга қўйилмасдан олдин, маҳалла кесимида ушбу масалалар билан шуғулланадиган машуллаб бўлмаган. Бугун одамларнинг дарду ташвиши, муаммолари давлат раҳбарининг эътиборида. Раҳбарлар аҳоли билан "маҳаллабай", "хонадонбай", "фуқаробай" тамойили асосида ишламоқда. Кўтарилган муаммоларни тезкор ҳал этиш тизими йўлга қўйилди. Ишни маҳаллардаги "Аёллар дафтари", "Темир дафтар" ҳамда "Ёшлар дафтари"га киритилган кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларни тадбиркорликка жалб қилишдан бошладик. Биринчи навбатда ногиронлиги ва туғма нуқсонлари бўлган, тадбиркорликка қизиқадиган ҳамда ҳунарманд-қосибларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ижтимоий тармоқларда масаланинг моҳиятига тўла тушуниб етмаган айрим шахслар ҳоким ёрдамчиси лавозими хусусида салбий фикрлар билдирмоқда. Кимдир бу лавозимнинг мутлақо натижасизлиги ҳақида гапирса, кимдир ҳоким ёрдамчилари орасида коррупция кучайганини танқид қилади. Кимдир уларнинг маҳаллий ҳокимиятнинг беёминнат хизматкорига айланиб, зиммасидаги вазифаларни тўлиқ адо эта олмаётганидан нолийди. Лекин ҳеч қим ўзига жамоат учун, давлат учун, одамларни рози қилиш учун қандай фойдали иш қилгани ёки қилаётгани ҳақида савол бермайди. Улар орасида ислохотларга хайрихоҳ бўлмаган собиқ депутатлар, блогерлар, ҳатто раҳбарлик лавозимларида ишлаган кишилар ҳам бор.

Муносабатларнинг ҳар хиллига қарамай иш бошлаш учун маблағ тополмай юрган оилаларга ҳоким ёрдамчисининг кўмаги ва кафилигида кредит ёки субсидиялар берилмоқда. Оилаларда доимий даромад манбаини яратиш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, камбағалликни бартараф этишнинг заминини яратилмоқда. Ҳўш, ҳар хил фикр билдираётганларнинг ўзлари аҳолига қандай ёрдам бера олади? Ижтимоий ислохотларнинг туб негизи бўлган тадбиркорлик, омилкорлик ва ишбилармонликни ривожлантириш, ота-оналар, фарзандлар, кўни-қўшиларга гамхўрлик қилиш, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш қўлидан келадими? Ҳоким ёрдамчилари айна шу масалалар билан шуғулланади. Урганишлар шуни

кўрсатмоқдаки, деярли барча ҳоким ёрдамчилари ўз зиммасидаги вазифаларни уйддаламоқда.

Аввало, "аҳоли орасига тушиш", "халқ ичига кириш", "уларнинг дардига қулоқ солиш", "муаммоларни жойида ҳал этиш" тамойиллари асосида ҳар бир оилани хатловдан ўтказиш орқали маҳалладаги ишсизлар рўйхати шакллантирилди. Бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган объектлар ва ерлар тўғрисидаги маълумотларга аниқлик киритилди. Кирилган тавсияларга асосан, бўш жойлар фойдаланишга берилди. Тадбиркорлик йўлга қўйилиб, қўшимча иш ўринлари яратилди. Ҳоким ёрдамчилари иш бошлашга иккиланаётган шахсларга маънавий, ҳуқуқий ва моддий кўмак бериб, уларнинг бизнес режалари такомиллашувига кўмаклашмоқда.

Маҳаллабай ишлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўринларини яратиш орқали камбағалликни қисқарттириш борасида Бағдод туманида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор. Хусусан, "Богшамол" МФЙ ҳоким ёрдамчиси Қобилжон Қўлдошевнинг фаолияти мисолида бунга амин бўлдим. Унинг тавсиясига кўра, Қўрғонча кўчасида яшовчи туғма ногиронлиги бор Ўринбой Олимов хонадонига субсидия орқали замонавий тикув машинаси ажратилган. Бугунги кунда улар томонидан сифатли бош кийимлар ишлаб чиқарилмоқда. Хонадон эгаси маҳаллий бозорларда ўзлари ишлаб чиқарган бош кийимларни сотиш ва хом-ашё хариди билан шуғулланади. Уй бекаси Мавлудахон тикиш ишлари билан банд. Ҳалол меҳнат ортдан рўзгорлари бут, 2 нафар фарзандини ўқитмоқда.

Фаргона вилоятининг Бағдод, Бувайда, Олтиариқ, Риштон ва Сўх туманларида ҳоким ёрдамчилари фаолияти билан танишиб, Қобилжон каби ҳоким ёрдамчиларининг кўплигига амин бўлдим. Урганишлар асосида ҳоким ёрдамчилари фаолияти йўлга қўйилиши билан боғлиқ муаммолари бўлса-да, бориға шуқр қилиб яшаётган андишали одамлар орасида қўшимча даромад топишга, яшаш шaroитларини яхшилашга ишончи ортанлар сони кўпаймоқда.


Ҳоким ёрдамчилари фаолиятидаги масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, фуқаронинг муносабати бевоқифа унинг хонадонига бориб ўрганилади. Бу эса ҳаққоний ва тўғри хулоса чиқаришга замин яратади.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, камбағалликни қисқарттириш учун, аввало, маънавий қашшоқликни бартараф этиш лозим. 2020 – 2021 йилларда маҳаллабай ишлаш жараёнида ҳокимият тарихасида, субсидия асосида муҳтож оилаларга "балиқ тутиш учун қармоқ" сифатида берилган тикув машиналари ёки бошқа ускуналар арзон гаровга сотиб юборилгани ҳам гувоҳ бўлдим. Муҳими, аксарият ҳоким ёрдамчилари кўмагида маҳаллаларда тикувчилик, ҳунармандлик, деҳқончилик операциялари ташкил этилмоқда. Ишларни ташкил қилиш жараёни мунтазам мониторинг қилиб борилмоқда. Субсидия орқали тадбиркорликни бошлашга шахсларнинг хом-ашё, айланма маблағларга бўлган эҳтиёжлари имкон даражасида қондирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, эплаган элақда сув келтирар деганларидек, ҳоким ёрдамчилари лавозимининг жорий этилгани нафақат ўзини оқламоқда, яқин келажакда ўз мевасини бериши ҳам шубҳасиз.

Ҳабибулла АЗИЗОВ

ЯНГИ КИТОБ



ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

Туғма истеъдод соҳиби Усмон Носир ижоди замонавий ўзбек адабиётининг ажралмас бир бўлагидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорига кўра, оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллиги юртимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан муаллифнинг "Танланган асарлар"ига янгидан тартиб берилди. Ушбу янги нашрга шоирнинг дostonлари, драма, адабий-танқидий мақолалари ва таржималари киритилди. Шунингдек, мазкур тўпламга илк бор Усмон Носир қаламига мансуб деб таҳмин қилинаётган шеърлар ҳам киритилди.

Элёр МАҲМУДОВ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Туғма истеъдодни, албатта, фақат стихиядан иборат ҳолат деб тушуниш нотўғридир. Ҳақиқий қалб эгаси ўз фуқаролик даражасини, билим ва қувваи ҳофизасини муттасил кенгайтирган ҳолдагина тарих учун зарур санъаткорга айланиши мумкин. Биз бугун сўз юрита-

қаторида янги даврга ичдан танқидий қаради. Шеърларида ўқиб болалик йилларини ёки кескин курашларда қатнаша олмаганлигини гапириши шоирнинг ижтимоий нуқтаи назари ҳақида тўла тасаввур беради. У ёздади:

**Кеч туғилдим, аммо қола олмадим
Икки бўлак йўлнинг**

УСМОН НОСИР ҲАҚИДА СЎЗ

ётган шоир Усмон Носир табиатнинг бе-ниҳоя муруввати туфайли дунёга келган ана шундай истеъдод эгаси эди.

Усмон Носир деганда биз кимни тушунамиз? У шундай истеъдод эгасики, бамисоли теккан жойини куйдиргучви оловдир. Шоирнинг гоёт қисқа умрига назар солган киши жуда узоқ ўйларга толиши шубҳасиздир. Чунки бу қақмоқдек умрда беиҳоя катта имкониятлар ёниб кетганлигини қўриб ва ҳис қилиб тура-сиз. Усмон Носир улуг ва абадий шеър-иятнинг дийдасидан оқиб улгурмаган шабнамдир, у ҳали қаҳқаҳага айланмай лабларимизда мангуга қотиб қолган ним табассумдир. Унинг шеърлари кўз каби тирик, жонли, тутқич бермас ҳаёт пораларидир.

**Богларга намозгар салқини тушди,
Гуллар нам баргини қайирди аста.
Офтоб ҳам сув ичар тоғлардан пастда,
Лоладек қип-қизил ўт-шафак ўчди.**

Бу каби сатрлар Усмон Носирнинг умуман шеърий қиёфасини, поэтик оҳангини белгилайди, десак хато бўлмас. Усмон Носир нималарни қуйлаб ўтди? Унинг идеали нима эди? Усмон Носир қолдирган адабий мерос бизга шу ҳақда гувоҳлик берадики, у ўз сафдошлари

**Аросатида.
Ҳар бир сўзим синфий,
Фалсафий фард,
Синфий онг ётади фаросатимда.**

Ушбу сатрлар, албатта, шоирнинг иқронномасидир. Айни пайтда шуни эслатиб ўтмоқ лозимки, ҳаётнинг теран қатламларига эндигина кириб бораётган Усмон Носир ҳали уни батамом тадқиқ этишга улгурмаган эди. Ҳар қандай катта ва ўзига хос истеъдод эгаларида бўлгани каби унинг ҳам бетақорр услуби мавжуд эдики, биз бу услубда бирмунча роман-тик кайфият устунлигини кузатамиз. Аслида ҳам, ҳаётдаги воқеа ва ҳодисаларни тадқиқ этиш ўша воқеа ва ҳодисаларни шеърхонга тақорр айтиб беришдангина иборат эмас. Ҳаёт ҳодисалари қалбимизда уйғотадиган таассуротлар ва кайфиятларни ифодалаш шеърятда граждонлик маъносини билдиради. Шунга кўра, ҳаёт нечоғли ранг-баранг бўлса, шоирнинг ундан орттирган таассуротлари ҳам шу қадар ранг-барангдир. Агар шоир бир шеърда тирикликнинг чексиз машаққатларидан дили озор топган шикаста зот сифатида кўринса, сира ҳам ажабланмаслик керак. Одам боласи то ҳануз номукамал экан, то ҳануз ёруғ идеаллар учун кураш олиб борар эканмиз, инсонлар феъл-атворида-

ги қусурлардан бир лаҳза ҳам кўз юммаслигимиз шарт.

Афсуски, ёвузликнинг шакл-шамойили жуда ҳам турфа, кўриниши гоёт ранг-барангдир. Масалан, биргина ичқоралик, машъум ҳасад қанчадан-қанча истеъдод эгаларининг бошига қулфат солмаган. Биз бундай ҳолларда нарсаларни ўз номи билан атаб, қулфат учун тарихдан бурун

машъум кимсаларни дадил айблашимиз зарур. Усмон Носирнинг латиф ва самимий, гоҳ эса уйчан, лекин ҳаммиша мароқли шеърятини кўздан кечирган киши ҳар қалай теран ўйларга чўмади. Шоирга умр вафо қилиб, агар у узоқроқ яшаганда бизга нечоғли қадри асарлар яратиб бериши мумкин эди, деган фикр ҳаёлимиздан кечади. Унинг бизга қолдирган ҳозирги мавжуд меросидан ҳам ажиб бир қониқиш ҳосил қиламиз. Усмон Носир шеърларини ўқиганимизда баъзи шоирларнинг мудроқ ва ғализ ижодиёти тарих учун нечоғли назар эканлигини пайқаб қоламиз. Бу ҳам Усмон Носир ижодининг авлодлар учун ибратли жиҳатларидан биридир. Биз бугунги кунда Усмон Носирнинг таржимонлик фаолиятини ҳам зўр мамнуният билан тилга оламиз. Улуг рус адабиётининг иккита энг кўркем достони – "Демон", "Богчасарой фангани" унинг таржимасида жаранглаб турибди. Биз Усмон Носирни қадрлаймиз. Чунки у шеърятнинг табаррук, муқаддас даргоҳида анвоий бир чаманзор, сира хазон бўлмайдиган мўъжаз боғ яратиб кетди.

*"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"
газетаси,
1983 йил 18 март.*

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ХАБАРЛАРИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Ақбеген Елгезек, уюшма бўлим бошлиғи Нуртас Турганбек меҳмон бўлишди.

Қозоғистонлик ижодкорлар дастлаб адабиёт тарихи музейи билан танишдилар. Сўнг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, "Шарқ юлдузи", "Звезда Востока", "Ёшлик", "Жаҳон адабиёти" журналлари жамоалари иштирокида давра суҳбати ташкил этилди. Иккала томоннинг ўзаро тажриба алмашиш, ўзбек-қозоқ адабий алоқаларини мустақамлаш борасидаги фикрлари тинланди.

Меҳмонларга уюшма ҳомийлигида чоп этилган китоблар совға қилинди.

Ҳиндистоннинг гўзал Варанаси шаҳрида Халқаро саёхатчи ижодкор ва ҳунармандлар фестивали бўлиб ўтди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси



ўринбосари Файрат Мажид ва "Шарқ юлдузи" журнали бош муҳаррири Сирождидин Рауф фестивалнинг тантанали очилиш маросимида иштирок этди. Ўз-

бекистонлик ижодкорлар мезбон диёрнинг Туризм бошлиғи Притти хоним билан биргаликда анжуманининг рамзий оловини ёқиди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида филология фанлари доктори, профессор Файзулла Саломов таваллудининг 90 йиллигига бағишлаб халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди. Анжуман "Файзулла Саломов ва ўзбек таржима мактаби" деб номланди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси таржима кенгаши раиси Зухриддин Исомиддинов, таржимон Хуррам Раҳимов ва олий ўқув юрлари профессор, ўқитувчилари олимнинг илмий-амалий фаолияти, таржима назарияси ва ўзбек публицистикаси ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида гапирдилар.

Эркин ҲОЖИМУҲАММАД

ШОИРА ХОТИРАСИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистонлик қозоқ шоираси Рисолат Налибоевнинг 80 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди. "Адабий дўстлик – абадий дўстлик" шiori остида ўтган ушбу тадбирда уюшманинг Қозоқ адабиёти кенгаши, Тошкентдаги қозоқ миллий-маданий маркази фаоллари, ёзувчилар ва шоирлар, адабиётшунослар, талаба ёшлар иштирок этди.

Уюшманинг Қозоқ адабиёти кенгаши раиси Турсинали Аҳмедов, Республика Қозоқ миллий мадани-

яти маркази раҳбари Серикбой Усе-нов, ёзувчилар Қалдибек Сейданов, Рисолат Хайдарова, адабиётшунос Ерғаш Абдувалитов шоира ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзладилар.

Рисолат Налибоева Тошкент вилояти Бўқа туманида туғилган. Унинг "Она ер", "Овулим – олтин бешигим", "Армон", "Йигит бўлсанг – эр бўлгин" асарлари қозоқ шеър-ияти мухлисарига яхши таниш. У ўз шеърларида ёшларни ватанпарварликка, ўзаро тотувликка, бағрикенгликка чақиради. Шоирнинг истеъдоди ва шеърятга бўлган

меҳри фарзандига ҳам ўтган. Бугунги кунда унинг қизи Анора Налибоева шоира ва журналист сифатида танилган. Яқинда А.Налибоева Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.

Тадбирда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қозоқ филологияси факультети талабалари шоира шеърларидан намуналар ўқиди. Қозоқ миллий маданий маркази қошидаги "Оқ қанот", "Баловса" дастаси аъзолари шоира шеърларига басталанган кўшиқлардан ижро этди.

Ўз мухбиримиз

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чораларини қўллаш талаб даражасида эмас.

Контрафакт маҳсулотларга қарши самарали курашиш, интернет тармоғидаги "uz" доменида фаолият кўрсатаётган веб-сайтлар томонидан муаллифлик ҳуқуқига риоя этилиши ҳолатларини мониторинг қилиб бориш ишларида сусткашликларга йўл қўйиб келинган.

Бундан ташқари, масъул вазирлик ва идоралар муаллифлик ҳуқуқи бузилган шахслар томонидан муносабат келиб тушмагунча унинг ҳуқуқларини тиклаш борасида муайян ҳаракатлар олиб бормаслик ҳолатлари мавжуд.

Сенатнинг Ахборот сиёсати ва дав-

лат органларида очиқликни таъминлаш масалалари кўмитасининг "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонуннинг ижро ҳолати, қонунчиликдаги бўшлиқлар ва амалиётдаги муаммолар муҳокамасига бағишланган мажлисида юқоридаги муаммолар тилга олинди.

Айрим нашриётлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар ва бошқа фойдаланувчилар томонидан асар муаллифи (меросхўри)нинг рухсатсиз улар асарларидан очиқдан-очиқ фойдаланиб келаятганига ҳам эътибор қаратилди. Ушбу ҳолатлар

устидан назорат тадбирлари лозим даражада амалга оширилмаётгани кўзга ташланмоқда.

Тўғри, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжат такомиллаштирилиб, интеллектуал мулк ҳимоясини кучайтиришга қаратилган "Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинди.

Адли вазирлиги томонидан 2019–2022 йиллар давомида муаллифлик ва турдош

ҳуқуқларнинг бузилиш ҳолати юзасидан иқтисодий судларда 136, маъмурий судларда 65, фуқаролик ишлари бўйича судларда 21, жиноят ишлари бўйича судларда 2 та иш қўриб чиқилган ва судлар томонидан тегишли қарорлар қабул қилинган. Суд қарорлариғи мувофиқ 216 нафар шахсдан 297 миллион сўм миқдорда маъмурий жарима ундирилган.

Мажлисида интеллектуал мулк соҳасини ҳимоя қилиш ва муаллифлик ҳуқуқига оид халқаро шартномаларнинг қоида ва

нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш борасидаги ишлар тўғри йўлга қўйилмагани танқид қилинди. Бундан ташқари, соҳада фаолият олиб бораётган муаллифлар ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар фаолияти тизимли ташкил этилган.

Ўз навбатида, сенаторлар томонидан тегишли вазирлик ва идораларга соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш, муаллифларга уларнинг ҳуқуқларини янада кенгроқ тушунишларига кўмак бе-

риш, тарғибот ишларини кучайтириш ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлашда ташаббускорликни ошириш бўйича тегишли кўрсатма ва вазифалар белгилаб берилди.

Сенаторлар, экспертлар, тегишли давлат органлари ва ташкилотлари масъуллари, жамоатчилик ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган мажлис якунида тегишли қарор қабул қилинди.

Н.Абдураимова,
ЎЗА

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР ҲИМОЯСИ ҚАЙ ҲОЛАТДА?

устидан назорат тадбирлари лозим даражада амалга оширилмаётгани кўзга ташланмоқда.

Тўғри, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжат такомиллаштирилиб, интеллектуал мулк ҳимоясини кучайтиришга қаратилган "Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинди.

Адли вазирлиги томонидан 2019–2022 йиллар давомида муаллифлик ва турдош

ҳуқуқларнинг бузилиш ҳолати юзасидан иқтисодий судларда 136, маъмурий судларда 65, фуқаролик ишлари бўйича судларда 21, жиноят ишлари бўйича судларда 2 та иш қўриб чиқилган ва судлар томонидан тегишли қарорлар қабул қилинган. Суд қарорлариғи мувофиқ 216 нафар шахсдан 297 миллион сўм миқдорда маъмурий жарима ундирилган.

Мажлисида интеллектуал мулк соҳасини ҳимоя қилиш ва муаллифлик ҳуқуқига оид халқаро шартномаларнинг қоида ва

нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш борасидаги ишлар тўғри йўлга қўйилмагани танқид қилинди. Бундан ташқари, соҳада фаолият олиб бораётган муаллифлар ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар фаолияти тизимли ташкил этилган.

Ўз навбатида, сенаторлар томонидан тегишли вазирлик ва идораларга соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш, муаллифларга уларнинг ҳуқуқларини янада кенгроқ тушунишларига кўмак бе-

риш, тарғибот ишларини кучайтириш ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлашда ташаббускорликни ошириш бўйича тегишли кўрсатма ва вазифалар белгилаб берилди.

Сенаторлар, экспертлар, тегишли давлат органлари ва ташкилотлари масъуллари, жамоатчилик ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган мажлис якунида тегишли қарор қабул қилинди.

Н.Абдураимова,
ЎЗА

Усмон НОСИР

ЮРАК

Юрак, сенсан менинг созим,
Тилимни найга жур эдинг,
Кўзимга ойни беркитдинг,
Юрак, сенсан ишқибозим.

Сенга тор келди бу кўрак,
Севинчинг тошди қирғоқдан,
Тилим чарчар, ажаб, гоҳи
Сени таржима қилмоқдан.

Сен, эй сен – ўйноқи дилбар,
Зафардан изла ёрингни.
Тўлиб қайна, тошиб ўйна,
Тирикман, қуйла борингни!

Итоат эт!
Агар сендан
Ватан рози эмас бўлса,
Ёрил, чақмоққа айлан сен,
Ёрил! Майли, тамом улсам!

МОНОЛОГ

Севги! Сенинг ширин тилингдан
Ким ўпмаган, ким тишламаган?
Дардинг ёйда тилиб кўксидан,
Ким қалбиди қонлар тўкмаган?

Сени яхши биламан, гўзал,
Петраркани ўқиганим бор,
Буюк Римнинг Сапфоси азал
Хаёлимни ошиқдай тортар.

Биламанки, Тассо бечора
Роҳат кўрмай ўтган бир умр.
Эй маккора қиз, Леонора,
Номи қора билан ёзилгур!..

Балки, гулдан яралган пари,
Тош кўнгилли Биатриче –
«Гадосан!» деб қочмаса нари
Данте бахтли бўларди пича.

Балки, Ҳамлет ойдин тунларда
Офелияни эркалатарди,
Балки, узун сочини силаб
Азонгача эртак айттарди.

Агар хиёнатни билмаса,
Эзмаса фожиа юрагин!
Йўқ, йўқ, шоир! Гар шундай бўлса
Шекспирнинг йўқдир кераги!

Дездемона, гуноҳсиз дилбар,
Жигар қонларингни ичган ким?
Биламан – Отелло, биламан...
Отелло ҳақлими?... Шоир жим!..

УНИТМАС МЕНИ БОҒИМ

Жим!.. Уфққа ботар кўёшни
Шарт кесилган бошга ўхшатдим.
Парча-парча куйган шафақлар
Тирқираган қонни эслатди!

Қандай кўрқинч! Қандай қабоҳат!
Мумкин эмас ҳеч қийналмасдан!
Ақлидан озганми муҳаббат?
Мумкин эмас қарши турмасдан!

Мумкин эмас, эй олийжаноб,
Неча юракни айлаб хароб,
Шоҳона тож қийган муҳаббат,
Мумкин эмас! Қандай қабоҳат,

Ки, одамнинг ўзигинамас,
Ҳиссини ҳам хароб қилса давр!
Қийналаман!.. Юрагимда ҳовур –
Бу қаршилиқ! Йўқ, гина эмас.

Бу қаршилиқ! Кўринг тарихни –
Парвонадек қаноти куйган.
Бу қаршилиқ! Кўринг тарихни –
Умр тепасида мушт туйган...

Қийналаман виждон билан ман –
Мумкин эмас қарши турмасдан
Ўз зиммамга катта иш олдим;
Эҳтимолки, тамом қилмасдан –

Умрим тугар. Аммо бўлмайдим
(Кўнглим ўрнига ҳеч тушмайдим!)
Сенга қарши бош кўтармасдан,
Асрларни йиғлатган севги!

ЮРГАНМИСИЗ БИРГА
ОЙ БИЛАН

Юрганмисиз бирга ой билан
Оқшом пайти кўм-кўк ўрмонда?
Майсаларга шабнам кўнганда,
Шундай яхши тинч бўлар экан.

Шитир-шитир уйнар шаббод,
Барглар мусиқаси бир ширин...
Ҳаво гўё тиниқ, соф бода —
Кўнглим севар ҳаётнинг сирин.

Мен маст бўлиб қолдим бу кеча,
Сил ўпкални анча яйратдим.
Ухламасдан то тонг отгунча
Дилгинамни роса сайратдим.

ЯНА ШЕЪРИМГА

Сонет

Шеърим! Яна ўзинг яхшисан,
Боққа кирсанг, гуллар шарманда.
Бир мен эмас, ҳаёт шахсисан,
Жоним каби яшайсан манда.

Юрагимнинг дарди – нақшисан,
Қилолмайман сени ҳеч қанда!
Ўт бўлурми ишқи йўқ танда?
Дардимсанки, шеърим яхшисан.

Сен орада кўприк бўлдинг-да,
Гейне билан ўртоқ тутиндим.
Лермонтовдан кўмак ўтиндим.

Бутун умрим сенинг бўйинингда.
Саҳарда қон тупурсам, майли.
Мен – Мажнунман, шеърим, сен – Лайли!

НАСИМАГА ДЕГАНИМ

Йўқ, ҳали ҳаммаси ўтганмас,
Кўп ҳали ҳаётдан насибам.
Силлигим безарар, ҳеч гапмас,
Борини кўраман, Насимам,
Йўқ, ҳали ҳаммаси ўтганмас!

Олдимда кутади имтиҳон –
Мен оғир жанглари бўларман.
Насима! Бу кунги иссиқ қон,
О, балки тўкилур... ўларман...
Олдимда кутади имтиҳон!

ТИРИК САТРАП

Ўйланиб кўзинга қарасам,
Иккита денгиздай кўринур...
Насима! Ичман рост қасам,
Оловдек ловуллаб дил ёнур,
Бахтлиман жанларга ярасам!

ДЕНГИЗГА

Оқ денгиз, яхши қол! Яхши қол, Шимол!
Кўнглимда ишқинги олиб қайтаман.
Сочимни ўйнайди муздек шўх шамол,
Мен унга дардимни қандай айтаман?

Кечкурун қирғоқда айланиб танҳо
Севдим, севиб қолдим тўлқинларингни.
Ойни чўмилирган тинч тунларингни
Тушимда кўрганда не қиларман, о?

Ўйнайди сўнг марта, чайқал, эркалан!
Армоним қолмасин кетар олдимда.
Бағрингда балиқдай юзган оқ елкан
Бир умр сайр этгай менинг ёдимда...

Яхши қол, эркин сув! Яхши қол, денгиз!
Тўлқинлар, қўйингга қиздай қирдингиз...

УЗУМ ДОНАЛАРИ

Стол устида узум доналари...
Чалғиди хаёл.
Узумдек ширин болалик,
Узум доналаридек сочилган дугоналар...
Тақдир ва йилларни
Кафтлариди гижимлар аёл

ҳаммасини ўзгартириш мумкин эди...

Йўқотилган болалик,
Йўқотилган қулгулар
Йўқотилган вақт...

Болалик
ўзи қаердан бошланади... қаерда тугайди?

Кун ва тун қўшилиб кетганидан
соат милларига қарамай кўйганидами...
рўзгор камини тўлдирди илнжида
кўллари қайчининг изида қаварганидами...
баданлари калтакнинг дастидан эзилганидами...
ўз уйда, пойгақда, бегонадек уялиб, тортиниб,
ўзи пиширган нонга қўл узатганидами...
болаларининг ҳаёти ширин бўлсин деб,
халтадан тикиб олган катта сумкасидан
бирини елкасида, бирини қўлида кўтарганча
зил-замбил қовунларни
уйига ташиб келган эркаксифат аёл
узум доналарини кафтида гижимларкан
ўйларди...

Болалик
қачон бошланганди, қачон тугаганди...

ЭНДИ ЙИГЛАМАЙМАН

Кўча совуқ...
Атроф жим-жит!
Тилло ранг баргини тўкиб,
яланғоч яшашга маҳқум бўлаётган даракларда
маҳзузлик кайфияти тобора
авж олиб борар экан,
серғавго умримнинг сўнги фаслини
кузатаётгандекман гўё!

Яна ким билсин?!

Собиржон ИНОМОВ



Эсон чолнинг оёғи синиб, ер искаманига эрта-индин беш ой бўлади. Қариллик экан, синган оёқ ҳали-бери битай демайди. Бу кўргулик яра устига чипқон бўлди: туролмайди, юролмайди, иссиқ-совуқ бир жойда. Кампири Ҳидой новча ҳаёт бўлганида бир нави эди. Мана, ўн беш йилдирки, Эсон чол кўча йўлагига тираб солинган пастак кўримсиз бир бостирмада ёлғиз яшайди. Ҳовли тўрида кун чиқарга олд қилиб солинган уйда кенжа ўғил Раҳмат хотини ва қизи билан туради. Унинг муқим иши йўқ. Кун бўйи биронинг тоқини кесади, анжирини кўмади. Алаканинг итидек ҳориб қайтган, эшикдан йўқловчиларга муомала қилгулик ҳоли қолмайди.

Эсон чол кенжасининг хотини Ойсанами хушламайди. Келин бўлиб, ҳовли су-

пурмайди, уй-жойни ораста тутмайди. Ҳидой кампир сариштали эди. Гулрайҳонлар унинг энг суюкли гуллари эди. Эплик йиллик турмушида бўйи елкасига етмайдиган пакана, ориқ, чўзиқ юзидан ҳаммаша заҳар томиб турадиган Эсон чолнинг ҳурматини жойига қўйиб, ардоқлаб, папалаб яшади. Бирор марта чолига тик боқиб, ноҳўя гап айтмади. Оила салтанатида эркак подшо, аёл вазир, деган нақлга амал қилди. Шу тариқа бир этак ўғил-қизни воёга етказиб, уйли-жойли қилишди. Таомилга кўра ота уйда кенжа ўғил Раҳмат қолди. Аммо у хотинини маҳкам тутолмади.

Эсон чолга, беш ойдирки, кенжа қизнинг ўғли Муродилла қараб туради. Эрта-лаб мактабга кетади. Тўшдан сўнг бобосининг иссиқ-совуғидан хабар олиб, ёнида ўтириб дарс тайёрлайди. Бу орада кенжасининг қизи Назокат бобосининг кир-чирларини ювмоққа тутнади. Кун бўйи ишлаб, ҳориб келган Раҳмат ёстиқ оши қилиб, кечки овқат тайёрлайди. Эсон чол кенжиб пишган овқатдан озроқ тотинган бўлади-ю, босиб-босиб қайноқ чой хўплайди.

Ойсанам шу хонадонга келин бўлиб тушганига йигирма икки йил бўляпти. Шу муддатда лоқал оёқ-қўл йўқитиб қозон қайнатмади, тандирда нон ёлмади. Ота уйини тарк этса ҳам, ўша ердаги ишонасидан кўнгли узолмади.

– Ораси йигирма дақиқалик йўл экан-ку, қатнаб ишлайвераман-да, – деди.

Ушанда на қайнота, на қайнона, на Раҳмат эътироз билдирмади. Аммо ойма-ой бир этак пулни дастурхонга тўкиб санаётганида Раҳматнинг кўзлари яшнаб кетарди. Оддий фаррош бўлсанг, ойлик маошинг нега кўп, дёёлмади. Аммо Ҳидой кампир ўлғига кўнглидагини тўкиб солди:

– Болам, келин йўқлигимдан кунимиз бир нави ўтаётган эди. Бор-йўғи супурги эгаси экан. Ишлаб гўримизга мармар тош кўяримди. Қўй, болам, мен қачонгача қўлим супурги, оёғим қосов бўлиб қозон бошида куймаланаман. Бундоқ келиннинг қўлидан ширин-ширин таомлар есак-чи?

Раҳмат мўмай пуллардан қуруқ қолишини ўйлаб, мужмал жавоб қилди: – Ойи, эрта-индин болали бўлса, шундоқ ҳам йиллаб ишламай ўтиради. Ҳозирча қатнаб тургани маъқулми, дейман.

Ҳидой кампир ўлғига бошқа лом-мим демади. Нақд беш йил деганда Назокат туғилди. Ойсанам энди бола тарбияси билан уйда ўтиради, деб суюнган Ҳидой кампирнинг айтгани бўлмади. Ойсанам Назокат ёшига етмаёқ яна қўшни туманга ишга равона бўлди. Каттагина жамоада бир-бирига улашиб кетадиган туғилган кўнлар, тўй-тантаналар, саналарга бағишлан-

ган тadbирлар бисёр эди.

Ойсанам оддий фаррош бўлишига қарамай, ис чиққан жойдан, зиёфату маросимлардан қолмади... Бора-бора уйга бегона машиналарда ярим тунда қайтадиган, баъзан отамникида ётаман, деб тунлари келмай қоладиган бўлди.

Бу орада Ҳидой кампир беш-олти ёшлардаги невараси Назокатнинг тақди-

ШУБҲА

ридан хавотирланганча ҳаётдан кўз юмди. Шунда Эсон чол, энди кампирим йўқ, келиним ишламай, боласига ўзи қараса керак, деб ўйлаганди. Маъракалар ўтган, Ойсанам ҳали мактаб ёшига етмаган қизчасини хайҳотдек ҳовлида қолдириб, ясан-тусанни жойига қўйганча ишга жўнади. Шундагина Эсон чолнинг юрагига келинига нисбатан илк бор шубҳа оралади. Таассуфки, Раҳмат отасининг кўнглида пайдо бўлган ғалаёни идрок эта олмади. Кечкурунлари узоқ ҳаяллаб қолаётган хотинига хавотирини бундоқ зарда билан эплаб айтолмади. Шундай сабабсиз кечкишлар, келмай қолишлардан сўнг, Эсон чолнинг гумони ортиб, бир оқшом ўғлини ёнига чақирди. Бир йўла кўтара савдо қилди:

– Отам тузалсин десанг, хотинингни жавобини бер. Қайта бу ҳовлига қадам босмасин, қизини олиб қоламиз. У шу даргоҳга келиб, сенга хотин, менга келин бўлиб, хизматимизга ярамади. Топиб келган пулларига тупурдим! Хоҳласа келади, хоҳламаса йўқ, яна ярим тунда аллакимлар ташлаб кетади... Кўзингни хаёлига келтирмаганди. Шу сабаб арзигулик бир жавоб қилишга журъати етмади, бошини ҳам қилиб тураверди.

– Сенга айтяман, ана эшик, ташқарига чиқ, оймчангни кутиб ол! Сўнг эшикданоқ жавобини бериб, изига қайтар! Уйимиздан фаришталар аллақачон юз ўгирган. Қарсига тўшақдан туролмай қоляпмиз. Сен аҳмоқнинг оёғинг синиб ҳам кўзинг очилмади!

Тушақда ётавериб, бир бурда бўлиб қолган отасига Раҳматнинг раҳми келиб, илк бор юрагининг аллақачини ачишиб кетди. “Уйимиздан фаришталар юз ўгирган” деган сўз миёсида чарх ура бошлади. “Биринчи ариқдан сакраб ўтаётди, менинг оёғим синди. Сўнг кўп ўтмай, хотиним очик айвон тағидаги ертўла қопқонини ёп-

май кетган экан, отам айвонга оёқ босиб, кўзи кўрмай, ертўлага қулаб тушди. Мана неча ойдан бундан синган оёғи битмай ётибди. Орада синглимининг ўғли Суннатилла челақда сув кўтариб келаётди. Оёғи синмаган шу саёқ хотиним қолди. Аслида, ўшанинг оёғи синиши керак эди...”

Эсон чол томоқ қирди. Раҳмат эшик томон сассиз юрди. Соат миллари тунги йигирма тўртни кўрсатиб турарди. Ойсанамдан эса дарак йўқ. Раҳмат эшик ортида миҳлангандек узоқ турди. Аммо тунги пойлоқчилик самарасиз кетди. Эрта-лаб жарчи айтган хунук хабарни бир ҳолатда отасига етказди:

– Жавобини беришимгаям ҳожат қолмабди, ота, ярим тунда йўлда келаётди, машина аварияга учрабди. Икки оёғи синиб, шаҳар касалхонасида ётибди экан.

Эсон чол ётган жойидан бир амаллаб туриб ўтирди. Сарғиш юзидан хурсандлигини ҳам, хафалигини ҳам билиб бўлмади. Раҳматга юпанч сўз ҳам айтмади. Пешин оралиғида отасининг изни билан Раҳмат қизи Назокатни етаклаб, шаҳар касалхонасига кетди. Шом пайти Эсон чол илк бор ерга оёғини қўйиб, юра бошлади...

Дилноза КАМОЛ



Бевафони ҳаётимдан ўчирилмай, кечиролмай, лекин аллакимларнинг нигоҳидан қалбимни тешувдек ёвуқ қарашларини излаш жонга тегди!

Қанийди...
Қанийди учқур соғинчим нафаси
бир лаҳза тинса-ю,
гуноҳкор хаёллар давом этмаса...

ЁМҒИР

Ёмғир... ва ниҳоят Сен!

Бағри ситилган булутлар остида
ўз қадрдонинг билан суҳбат қуриш
нақадар завқли!

Ишонасаним, бир умр сени изладим.
Паришон нигоҳингни илк бор
кўрганимдаёқ, болалигимданоқ дард ила эзилиб
яримта бўлган юрагимда
қандайдир илиқлиқни ҳис этдим.

Мен сен учун қар қандай машаққат қадаҳини
қўрқмай сипқоришим мумкин.
Дейдиларки,
ҳар бир киши ўз яхши кўрган инсонининг
ёди билан жон берса,
унинг бу ўлими мангу ҳаёт билан тенгдир!

Энди гўёки ажиб эртак бошланди.
Эртакларнинг эса биласан, ниҳояси умидли...

Болалик хотираларим

Кичкина болалик пайтларимда жуда отни яхши кўрар эканман. Шунинг учунми, дадамнинг ишдан келишларини пойлаб ўтирар эдим. Келишлари билан кийимларини алмаштиргач, мени орқаларига миндириб, эммаклар от бўлиб у ёқдан-бу ёққа юрардилар, ора-орада кишнаб, мени сакратиб ҳам кўярдилар. Бу дадам билан ўйнайдиган энг завқли ўйинимиз эди. Бир куни оппоқ от олиб келдилар, оёқларида гилдираги бор, юради, жиловини тортсам кишнайдим. Дарров миниб олдим. Ўшанда дунёда мендан бахтли бола йўқ эди.

Сал каттароқ бўлгач (мактабга борганимда), конструкторлик ўйинчоқлари олиб келар, иккаламиз бирга ясар эдик. Ясаган самолётларим кўп эди, уларни Адиба опамнинг пианиноси устига қатор териб кўярдим.

Чорвоққа — дала ҳовлига борганимизда очик ҳавода ухлар эдик. Осмонда юлдузлар — Зухро, Етти қароқчи, Хулкар, Сомон ўйли... Юлдузлар жуда яқин кўринарди, гўё осмон пасайиб қолгандай туюларди. Уларни томоша қилиб ётиб, Шохруҳ билан космосга саёҳат қилар, сомон йўли бўйлаб юрар, у ердан пастга — ерга дадам ва аямга телефон қилар, улар билан гаплашар эдик. Дадам юлдузлар, сайёралар ҳақида, уларни ўрганган Мирзо Улуғбек ҳақида гапириб берардилар. Яна Сулаймон пайғамбар ҳақида, шохли Искандар ҳақидаги ҳикоялари ҳозиргидай эсимда.

2- ёки 3-синфда ўқир эдим. Бир куни дадам олдиларига чақириб: “Энди ўғлим, бўш вақтингда ўйинни камайтиргинда, китоб ўқишни бошла”, дедилар ва кўлимга “Ун беш ёшли капитан” китобини тутқиздилар. Бу гап менга унча ёқмади, лекин дадамнинг топшириғи бўлгани учун мажбуран ўқий бошладим. Қизиқиб кетдим, кейин уйдаги ҳамма илмий-фантастик ва саргузашт китобларни ўқиб чиқдим. Дадам мени китоб ўқишга шундай ўргатган эдилар.

Қишлоққа борганларимизда қариндошларимизга бирма-бир олиб борар, уларнинг қайсидир эса қоладиган хусусиятларини айтиб ўтар, қишлоқ тарихи ҳақида, тепалар ҳақида, ўша тепаларда қўй боққанларини, бир тепадан бобомнинг ичи тўла танга бир хум топиб олганларини гапириб берардилар. Сулоламиз билан таништираб, эсдан чиқармаслиқни таъкидлардилар. Ҳатто бир қоғозга сулоламизни дарахтга ўшатиб чизиб, ёзиб бериб, йўқотмаслиқни тайинлаган эдилар. Дадамнинг ҳикоялари таъсирида бўлса

керак, тарихни яхши кўрардим. Лекин нега шу соҳадан кетмадим, билмайман. Қаердандир МИМОда ўқийман деган гапни миямга жойлаб олган эканман. МИМОга-ку бормадиму, ўзимизнинг ТошДунинг МЭО (ҳалқаро иқтисодий муносабатлар) сига ўқишга кирдим.

Хорижда ўқишга йўл очилган пайтлар эди. Ўқишни Америкада давом эттирмоқчи бўлдим. Ҳужжатлар тайёрладим, айрим синовлардан ўтдим. Сизейтл университетига борадиган бўлдим. Энди ТошДУ ташқи алоқалар бўлимининг руҳсатини олиш керак экан. Дадам ўшанда проректор эдилар. Менга: Любов Максимовна (ташқи алоқалар бўлими бошлиғи)га ўзинг киргин. Мақсадингни тушунтир, лекин менинг ўғлим эканингни айтма, дедилар. Кирдим, тушунтирдим. Рад жавобини олдим. Ўшанда дадам аралашганларида Америкага кетар эканман. Шундай қилиб хорижда ўқиш орзуси орзулигича қолиб кетди.

Дадам жуда қаттиққўл, айтилган топшириқни ўз вақтида бажаришимизни талаб қилар эдилар. Агар айтилган ишни вақтида бажармасак, иккинчи бор айтмасдилар. Индамай ўзлари қилишга тушардилар. Биз кўлларида олмоқчи бўлсак, бермасдилар. Бу қаттиқ ранжиганлари бўлиб, биз учун жазо эди. Уйдаликларидо доим сергак турар эдик.

Тиним билмай ишлардилар. Хоҳ жисмоний иш бўлсин, хоҳ ижодий иш бўлсин, сираям чарчаганларини сездирмасдилар. Мен ҳеч қачон дадамнинг ишсиз, бўш ўтирганларини кўрмаганман. У пайтлари бунга оддий ҳол деб қараганман, оила бошлиғининг иши, улар ҳамма нарсага масъул деб билганман. Буларнинг ҳаммасини дадам гўё осонгина бажараётгандай туюлган... Мана энди вақт ўтиб, дадамдан ажралгач, ҳамма масъулият зиммамга тушгач, дадамга осон бўлмаганини тушуниб етпман. Энди ўйлайман, агар ўшанда рўзгор

масъулиятини ўз зиммамга олсам, дадам фақат ижод билан машғул бўлсалар эди, қандай хурсанд бўлардилар.

Дадам ҳеч бир ишда ўзларига суянмаслигини, ўз кучи билан қилишим кераклигини таъкидлардилар. Университетни тугаллаб, янги иш бошлаган кезларим. Биринчи хизмат сафарига чиқаётганимда дадам: “Ўғлим, ишинг нозик, пул билан боғлиқ шў доим сергаклиқни талаб қилади. Ҳар доим тўғри, ҳалол бўл, ҳаромга ўрганма. Агар бир марта пора олсанг, кейин ўзингни тўхтата олмайсан. Бунинг эса охири вой бўлади. Мен нимагаки эришган бўлсам ўз меҳнатим, ўз кучим билан, ҳалоллик билан эришдим. Сизларни ҳам ҳалоллик билан боқиб катта қилдим”, дедилар. Шу насихатлари доим қўлоғим остида жаранглаб туради. Дадам бизни ҳалолликка, тўғрилиқка ўргатдилар, меҳнат қилишга, қаноат қилишга ўргатдилар. Ўзлари умр бўйи шундай йўл тутдилар. Шу ақидага амал қилиб яшаётган эканман, дадам менинг тинчлигимни, оиламиз шаънини муҳофазо қилганликларини тушуниб етпман.

Мен шундай улуг инсоннинг ўғли эканимдан фахрланаман, шу билан бирга унинг масъулияти катта эканлигини, бу номни пок сақлашимиз, муносиб фарзанд бўлишимиз лозимлигини ҳис қиламан.

Беҳзод ҚОСИМОВ



Суратда: (чапдан) Беғали Қосимов, Озод Шарафиддинов ва Ўткир Ҳошимов (60-йиллар).

Беғали Қосимов таваллудинини 80 йиллиги



Беғали ҚОСИМОВ

Миллатнинг қайта ўзини кашф этиши мактабдан бошланади. Ва бунда тил-адабиётнинг ўрни ва роли бениҳоя катта.

Миллатни маърифат тарбиялайди. Унинг равнақи учун, биринчи навбатда, ақл ва ғайрат керак. Ақл илмдан куч олади, маърифат билан улғайиб боради. Миллат унга мансуб ҳар бир кишининг жони-жаҳони, бахти-саодати.

Ҳар қандай тарихий шахснинг тарихдаги ўрни ва қадрини белгилайдиган бош мезон унинг ақлу заковати ҳамда жасоратидир. Тарихнинг энг муҳим, энг масъулиятли бир пайтида бутун масъулиятни зиммасига олган ҳолда Миллат ва Ватанни озод ва обод этмоғидир.

Ҳақиқий шогирд устози кўрсатган йўлдан тўпири чиқиб ётган далагача

МИЛЛАТНИ МАЪРИФАТ ТАРБИЯЛАЙДИ

кетмайди. Унга туташ янги йўллар барпо қилади.

Мустақиллик ўзликни англамоқдир. Ўз ақлингга, ўз мулкнингга, ўз меҳнатингга эғалик қилмоғингдир.

Ҳақиқат эғилади, лекин синмайди дейдилар, — дейди Абдулла шоир. Лекин у эғилганда қанчадан-қанча қовургалар сиқиши ҳеч кимсанинг ҳаёлига келармикан? Ватанни шунчаки севиб бўлмайди. Унинг дарди билан яшамоқ, унинг бахтидан қувонмоқ, у билан фахрланмоқ керак. Бу ҳам кифоя эмас. Чинакам муҳаббат уни яна ҳам гўзалроқ, яна ҳам мукамалроқ, яна ҳам улғувороқ қилишга ундаши керак. Бу эса, кураш демокадир.

Одамзодга хос бўлган ғалати бир туйғу бор: ўзингга олис бир нур яратасан. Сўнг унга тинмай югурасан. Қўлингга олиб қараганингга шалдироқ қоғоз бўлиб чиқади. Етгунга қадар танангдиги бор кўрни ҳам йўқотасан.

Аввало, юракка чўғ ташлайдиган оловли сўз — юксак адабиёт керак. Ва уни қабул қила оладиган муҳит — адабиётсавар

қалб лозим. Шундагина танпарварлик ўрнини ватанпарварлик эғаллайди.

Жадидчиликнинг моҳиятини Миллат ва Ватанни англашдан улар манфаати учун курашишга бўлган қизғин ва жонли жараён ташкил қилади.

Тарих — ота-боболаримиз ҳаёти. Шоирлару олимлар — уларни бизга етказувчилар. Демак, уларни ўрганмоқ — тарихни билмоқ, оталарни танимоқ деган сўз. Оталарни танимоқ эса, фарзанднинг фарзандлик бурчи.

Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти чинакам маънодаги янги адабиётдир. У шаклидан мазмун-мундарижасигача, ифода воситаларигача анъанавий адабиётдан кескин фарқ қилади. У миллатни уйғотган, истиқлолга бошлаган адабиётдир.

Мустақилликни англаш унинг учун курашганларни англашдан бошланади.

Тарих — шафқатсиз. Фақат уни адолат билан варақламоқ керак. Реал, адолатли тарих — маънавиятнинг тиргагидир. Чунки бўш қоп тик турмайди. Миллатнинг қаддини тик туттирадиган унинг гуруридир. Гурурни таъминловчи омиллалардан бири эса тарихдир.

Миллий гурурни тарбиялашда адабиёт ва санъатнинг роли бениҳоя катта. Она Ватанга, унинг тарихига, шонли фарзандларига, борингки, унга дахлдор ҳар бир нарсага меҳр-муҳаббат уйғотадиган ўтли шеърлар, эҳтиросли дostonлар, ҳикоялар, романлар керак. Бугунги авлоднинг қалбида ўт ёқадиган оловли сўз керак.

“Миллат” тушунчаси бирликни талаб қилади. Бирлик дейилганида, асосан, лисоний, ирқий, диний муштараклик кўзда тутилади.

Ҳаётдаги одамлар китобдаги образлардан ҳаммаша бой. Энг етук мусаввир унинг неча фоиз ҳақиқатини очиб бераркин?

— **Машҳур адиблардан бири буюк эртакчи Андерсен ҳақида ёзар экан, шундай дейди: “У катталардан ҳамдард тополмагач, болаларга мурожаат қилди. Болалар уни тушунишларини, унга ачиношларини истади. Аммо у янглишди. Чунки болалар ачинмайдилар, улар ачиношни билмайдилар”. Бундан келиб чиқадик, болалар ёзувчисини болалик оламига боғлаб турадиган қандайдир сабаб, ришта мавжуд бўлади. Сизни болалар учун ёзишга ундаган ички даъват нима?**

— Саволингизнинг биринчи қисмида “Буюк болалар эртакчиси Андерсен катталардан ҳамдард тополмагач, болаларга мурожаат қилди” деган гап бор. Тирек одам ҳаммаша ҳамфикр, ҳамдард ахтари, уни тушунадиган дўст излайди. Адабиёт ҳам бундан мустасно эмас. Сенга ҳамфикр ва ҳамдард бўладиган инсонни топиш, сени тушуниб, фикрларингни қувватлайдиган кишини ахтариш аслида катталар адабиётининг ҳам, болалар адабиётининг ҳам бош вазифаларидан бири ҳисобланади. Ҳар қандай ёзувчи, хоҳ катталар, хоҳ болалар учун ёзсин, инсондаги ниманидир тасдиқлагиси, ниманидир инкор қилгиси келади. Тасдиқлаб туриб инкор қилади, инкор қилатуриб тасдиқлайди. Худди ана шу руҳий, ахлоқий ҳолатни ёзувчилар ижобий ё салбий образлар орқали кўрсатишади. Демак, ёзувчи ўз асаридо ижобий образларни яратар экан ўзига ҳамдард ахтари, айтмоқчи бўлган фикрларини мана шу образ орқали ё тасдиқлайди, ё инкор қилади. Худди шу пайтда бир гап эсимга тушиб кетди. Биров менга “Катталарга айтган гапинг, улар бепарво бўлганлари учун, тарвузнинг устидан қуйилган сувдек ўтиб кетади”, деб айтган эди. Бола зоти эса тамомила ўзгача хилқат. Агар у сенга меҳр қўйса, сен айтган гапни жон қўлоғи билан тинглайди, шу гапни сендан эшитгани учун мақтанган ҳам юради. Худди шу маънода буюк Андерсен ҳамдард сифатида болаларни танлаган бўлиши мумкин. Болалар ачинмайдилар, ачиношни билмайдилар, деган фикр менимча баҳсли, мунозаралидир. Чунки болалар буюк эртакчини тушунаганлари ва унга ачинганлари учун ҳам унинг асарларини салкам икки юз йилдан буён қўлдан қўймай ўқиб келмоқдалар.

Мендан яна, каминани болаларга боғлаб турадиган қандай ички дард борлигини ҳазилнамо қи-


либ сўраяпсиз. Мени болаларга боғлайдиган ички дардим уларга бўлган битмас муҳаббатим ва ачиношимдир. Йилгаётган болаларни кўрсам, ёнига ўтириб юпатсам дейман. Яхши ўқимаётган болани кўрсам “Эсизгина, шу пайтда вақтинги бекорга ўтказмай, кўпроқ ўрганиб, кўпроқ ўқиса, маънавияти бутунроқ ўсади”, дея ачинаман. Ҳар бир боладаги Аллоҳ берган қобилият эртарақ очилса яхши бўлади деб ўйлайман. Болалар учун тугилдим, болалар учун яшадим, яна болалар учун яшайвераман деб мактанни ҳам юраман. Ёзаётганимда эса кекса ёшдаги одам бўлиб эмас, худди боланинг ўзи бўлиб ёки яқин ўртоғига айланиб ёзаман. Қайси ёшдаги бола ёки ўсмир учун асар ёзмоқчи бўлсам, ўша ёшдаги бола ё ўсмирлар даврасида бўлишга ҳаракат қиламан. “Жаннати одамлар” романини ёзаётганимда кўп вақтинги боғчадаги юқори босқич болалари, мактабдаги биринчи синф ўқувчилари билан ўтказдим.

— **Инсон болалик чоғида мўъжиза ва саргузаштларни, ўқувчини ўз ортидан эргаштириб кетадиган ғаройиб воқеаларни ёқтиради. Назаримда, ёш китобхонларни Худойберди Тўхтабоев асарларига боғлаб қўядиган оҳанрабо ҳам шунда...**

— Ислохий таълимотда “Чақалоқ мусулмон бўлиб туғилади”, деган ҳикмат бор. Яна бир таълимотда “Чақалоқ она қорнида шаклланаётган пайтда Аллоҳ чақалоқнинг қалбига адолат, ҳақиқат, маъсуллик, камолот туйғуларини қўшиб яратади”, деган яна ҳам гўзалроқ фикрлар мавжуд. Бу туйғуларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида олиб, алоҳида-алоҳида таҳлил қилиб, катта-катта китоблар ёзса бўлади, дейдилар. Ана шу бир-биридан гўзал туйғулар ичида алоҳида ўринга эга бўлган камолот туйғуси ҳисобланади. Камолот туйғуси инсонни юксалишга даъват этиб турадиган буюк туйғудир. Бола ақлини таний бошлаши билан дунёни билишга, атрофини ўраб турган моддий ва маънавий дунёни тушунишга, секин-аста ички бир туйғу таъсирида ўзини ҳам англашга интилади. Бу ҳолат унда табиий бўлади, туғма бўлади. Чунки бу гундан келаётган илохий овоздир. Бу пайтда болалар шунақангир сержасовол, шунақангир қизиқувчан бўладиларки, ҳамма нарса-ни тезроқ билиб олишни исташади. Тинимсиз савол бериб, баъзан катталарни ҳам безитиб юборишади. Саволларига жавоб олишолмас, йилгаб ҳам юбора-

ЖАННИ РОДАРИНИНГ

Ёзувчи Худойберди Тўхтабоев билан суҳбат



ноғигача қуролланган каллақасарларига қарши кураш олиб борган эдилар”, дейилган. Номоз тўдасидаги йигитларнинг кўксидоги туморида:

Не учун дунёга келдик,

Яхшини билмасак биз.

Не учун дунёга келдик,

Яхшилик қилмасак биз,

— деган сўзлар қасамёд тариқасида ёзилган экан.

Тарихий манбаларни чуқурроқ ўрганганим, ўша даврларни кўрган кексалар билан кўпроқ суҳбатлашганим сари ўттиз етти ёшда хоинлар томонидан ўлдирилган бу жасур йигитни астойдил, мисоли ўз ўғлимдек яхши кўриб қолдим. Ёзаётган пайтимда

унинг ҳар бир хайрли ишидан олам-олам завқ олардим, қийинчиликка тушиб қолса, ундан кўпроқ қайғурардим.

Тарихий манбаларда Номоз ҳокимларнинг навқарлари, жазо отрядининг махсус аскарлари қуршовада қолади, ақли, жасорати, топқирлиги сабабли уч юз кишилик аскар қуршовидан эсон-омон чиқиб кетади. Эсон-омон чиқиб кетишгач, йигитларга дам бериб, ўзи ҳам жиндек мизиб олмоқчи бўлади. Ёнида ҳаммаша бирга юрган Кенжа Қора деган йигити унинг бошига тош билан уриб ўлдиради. Тарихий манбаларда Номознинг боши Самарқандга, Фон Гескет жанобларига келтирилган деган гаплар бор. Муқофотланган-

Қорақалпоқ бахшичилик санъати тарихи жуда бой. Оқинлари, жи- ровларининг оҳанг ритми ижро жиҳатидан бир қарашда оддий туюл- са-да, аслида унинг ўзига хос мураккаб томонлари бор. Қорақалпоқ бадиҳагўй шоирлари оқин-жировчиликда аънавий матни айнан такрорламай, ижодий ўзгаришлар киритган ҳолда бойитиб борадилар. Оқинлар ижодкор сифатида жиров ва жирчилардан фарқли равишда дўмбира журлигида фольклорнинг барча жанрлари (достон, тўлғов, терма, кўшиқ) намуналарини ижро этадилар, оилавий маросимларда қатнашадилар, ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир асарлар яратадилар.

ҚОРАҚАЛПОҚ БАХШИЛАРИ

Қорақалпоқ халқининг буюк шоири Бердақнинг қизи Хурлиман қиз бахши ҳақида кўпчилик маъмуотга эга бўлмаса керак. Бердақ шоирнинг ўзи ҳам дутор чалган ва кўшиқлар ёзган. “Жахси- рақ” каби ватанпарвар- лик руҳидаги кўшиқлари ҳанузгача куйланиб кела- ди. 1861–1906-йилларда яшаб ижод қилган Хурли- ман қизнинг бахши сифа- тида шаклланишига ўша даврнинг оғир муҳити ва аёллар эрки чеклангани катта тўсиқ бўлган. Ўша даврларда бахшичилик санъати аёл кишига хос эмас, деб қаралган ва куйлашга руҳсат берилма- ган. У одамлардан қочиб қирларга, кенгликларга чиқиб кетиб, қалбида кечаётган тугўнларни ба- ланд овозда кўшиқ қилиб куйлаган. Яқин-атроф- даги маҳаллий аҳолининг қуроғи ёқимли кўшиққа ўрганиб, уни аста-секин эшитадиган бўлган. Хурлиман ижоди давомида отаси Бердақ шоирнинг кўшиқлари ва “Гулбулбул” достонини ижро этган. Қизи вояга етгач, отаси уни Қобил исми йиғитга турмушга беради. Хурлиман 1884 йили ўғил фарзандли бўлиб, исмини Қоражон қўяди. Ўғлига 12 ёшида дутор чалишни ўргатиб, бобо- си Бердақнинг йўлини давом эттиришига шароит яратади. Хурлиман ўғлини ёнида олиб юриб, эл орасида кўшиқ айтиб, бах- шичилик қилади. 1856 йили Бердақ ўзи- нинг дуторини қизи Хурлиманга беради. Хурлиман эса бу дуторни ўғли Қоражонга мерос қолдиради. Ўғли Қоражон ҳам 12 ёшидан дутор чалишни ўрганиб, тўй-ҳа- шамларда бахшичилик қилган. Кейинча-

лик аёл бахшилар кўпайиб, улар орасида Гулбахши алоҳида ажралиб турган. Давр муҳити оғир бўлишига қарамай, Қониғул ситетининг мусиқий таълим факултетига ўқиди. Ҳозирги кунда Нукус ихтисослашган маданият мактабида ёш авлодга миллий мусиқа ва бахшичилик сирлари- дан таълим бериб келмоқда.



Муяссар янгилик яратишга интилаётган, бахшилик санъати- ни бойитиш йўлида ижод қилаёт- ган билимли ижодкор. Унинг бир эмас, бир неча ижроси Термиз шаҳрида ўтказилган Республика бахшилар кўрик-танловида ижро маҳорати жиҳатидан кўпчиликни лол қолдирди.

Қорақалпоқ диёрининг чекка бир туманида шундай ёрқин истеъдод зиё сочиб тургани, ёшлар қалбига халқ санъати нуруни индираётгани таҳсинга сазовор.

– Жировлар бизда, бошқа вилоятлардаги ҳамкасбларидан фарқли ўлароқ, ёпиқ овозда, кўбиз журлигида куйлайдилар, – дейди М.Жуматова. – Бизда достонлар мавзусига қараб куй- ланади. Мардлик, қахрамонлик достонларини жировлар, “Ғариб

бахши, шоир қиз Сапура каби қорақалпоқ аёл-қизлари бахшилик билан жиддий шуғулланганлар. Хурлиман бахшининг ижоди аёллар бахшичилигининг риво- жланишида пойдевор бўлиб, унинг эрк- сеवारлиги ва курашувчанлиги жамиятда аёллар ҳуқуқини имкон қадар ҳимоялашга хизмат қилган.

Бугун ҳам Хурлиман қиз бахшининг фа- олиятини давом эттираётган аёл бахшилар кам эмас. Улар орасида оилавий сулола дав- номчиси, Қорақалпоғистонда хизмат кўр- сатган артист Холбека Узоқбергеновнинг фарзанди Муяссар Жуматованинг ижро маҳорати ва ижоди алоҳида эътирофга лойиқ. Бахшичилик санъатида фидойи су- лола вакиллари билан Муяссар бахши санъаткорлар даврасида вояга етган. У

ошиқ” каби достонларни бахшилар ижро этишади. Энг яхши жиров устозлардан Бахтбелган Сиринбетов номини бугун фахр билан тилга оламиз. Бахшичилик мактаби бизда кенг қамровли бўлиб, Сиёв бахши, Ахембет ва Мусо бахши каби устозларнинг мактаблари асос ҳисобланади. Базизда кўшиқлар бир хил бўлиши мумкин, ammo ижро, нола жиҳатидан бир-биридан тубдан фарқ қилади. Ҳар бир куйловчининг ижро- сига қараб мактабини билиб олиш мумкин.

Ҳозирги кунда Муяссар Жуматованинг издошлари кўп. Улар қорақалпоқ бахши- чилик санъатининг ривожини йўлида излан- моқдалар.

Санобар ҚУЛМИРЗАЕВА.

Суратда: Муяссар бахши Жуматова.

«БАҲОДИР ЯЛАНГТЎШ»

ЯНГИ ФИЛЬМ

Аштархонийлар давридаги мулкдор ҳарбий зодагонларнинг йирик ва- кили, Самарқанд ҳокими, ҳарбий саркардалиқда беназир Баҳодир Саидқул ўғли Ялангтўшбий йирик бунёдкорлик ишлари билан ҳам тарихимизда ул- кан из қолдирган. Қадим Самарқандда виқор билан қад кўтарган “Регис- тон” мажмуаси, жумладан, “Шердор”, “Тиллакори” мадрасалари, Маҳдуми Ўззам масжиди, хонақоси ва бошқа тарихий бинолар фикримизга далил.



“Ўзбекфильм” киноконцернининг кичик павильонда Ўзбекистон Кинематография агентлиги буюртмасига биноан Самарқанд вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда таниқли режиссёр Жаҳонгир Аҳмедов бошчилигида суратга олинаётган “Баҳодир Ялангтўш” тарихий бадиий фильмига бағишланган пресс-тур бўлиб ўтди. Маълумки, XIV Тошкент халқаро кинофести- валида “Ўзбекфильм” киноконцернининг янгиланган павильони намойиш этилиб, “Баҳодир Ялангтўш” фильмининг суратга олиш ишларига старт берилганди. Ушбу янги павильон энг юксак замонавий ба- диий-технологик савияда суратга олишга ихтисослашган бўлиб, мазкур технология фильмни битта павильоннинг ўзида юқори сифатли тасвирга олиш имконини беради.

Тадбир иштирокчилари дастлаб тасвир- га олиш жараёни билан танишдилар. Су- ратга олиш майдонининг маҳобатли кўри- ниши, ижодкорлар ишлатаётган энг сўнгги русумдаги суратга олиш мосламалари қатнашчиларда катта таассурот қолдирди. Улар, шунингдек, ижодий жамоа ва актёр- лар билан яқиндан танишиш имкониятига ҳам эга бўлдилар. Шундан сўнг пресс- тур иштирокчилари матбуот анжуманига йиғилдилар. Анжуманда “Ўзбекфильм” киноконцерни директори Б.Одилов, Ўзе- бкистон Кинематография агентлиги матбуот котиби Б.Ўнгобоева, фильм постановкачи режиссёри Ж.Аҳмедов, продюссери З.Йул- дошев қатнашди. Тадбирни “Кино санъати” интернет-портал бош муҳаррири Ш.Рауф-

боева олиб борди. Фильм ижодкорлари журналистлар, блогерлар, телеканаллар мухбирларининг саволларига жавоб бердилар. Жумладан, Киноконцерн директори Баҳодир Одилов павильон давлати- миз раҳбарининг кинематогра- фияни ривожлантириш ишига қаратаётган эътибори туфайли жаҳон андозалари даражасида суратга олиш ускуналари билан бағишланганга тўхталиб, бу шубҳасиз, фильмлар савия- сига ижобий таъсир қилишини қайд этиб ўтди.

– Тарихий фильмлар яра- тиш мураккаб жараён – деди у ўз сўзида. – Замонавий павильон ҳамда энг сўнгги русумдаги камералар билан жиҳозланган киностудия ижодкорларни қанотлантиради, деб ўйлайман. Зеро, бу- гун ўзбек киносида тарихий мавзудаги фильм яратиш борасида дадил ҳаракатлар бошланди, десак муболага бўлмайди. Шу кунгача ҳам қатор тарихий фильмлар яра- тилган. Навбатда ўзбек миллиятининг улмас сиймолари ҳақида яна бир қатор фильм- лар устида ишлар бошланади. Бугун эса, суратга олиш ишлари бошланган “Баҳодир Ялангтўш” фильми томошанинг манзур бўлишига умид билдириб қоламиз.

Фильм режиссёри Жаҳонгир Аҳмедов иштирокчиларнинг саволларига жавоб бе- рар экан, жумладан, шундай деди: – Назаримда, Исломуҳжа, “Илҳақ”

фильмидаги ая образига ўхшайди. Халқ орасида у қадар машҳур бўлиб кетмаган шахсларни катта экранга олиб чиқиш қи- зиқарли. Баҳодир Ялангтўш ҳам халқимиз орасида у қадар машҳур эмас, деб ўйлай- ман. Ваҳоланки, бизни бугун бутун дунё, биринчи навбатда, шу инсон қурдирган “Ре- гистон” мажмуаси орқали танийди. Унинг бунёдкорлик ишлари ҳамон одамларни ҳайратга солиб келмоқда. Фильм сценарийсини Ҳасан Тошхўжаев билан ҳамкор- ликда ёзди. Ҳамкорликдаги ишимиз бир йил давом этди, сўнг суратга олинса бўлади, деган тўхтамаг келдик. Шу ўринда муҳим бир фактни айтиб ўтиш жоиз. Тарихий фильмлар ишланаётганда кўпинча киночи- лар ва тарихчилар худди ёғ ва сувга ўхшаб бир-биримиз билан келишолмасдик. Улар аниқ фактларни ушлаб олишар, биз бади- ий талабларни ўртага кўярдик. Бу сафар ҳамкорликда ишладик, яъни тарихчилар киночига, киночилар тарихчига айландик. Бунинг учун тарихчиларга миннатдор- лик билдираман. Фильмда Ялангтўшдан ташқари, Бухоро хони Имомқулихон, Балх ҳокими Назир Муҳаммад, салтанатнинг молия вазири, хоннинг тоғаси Нодир Де-



вонбеги, Ялангтўшнинг аёли, иккита қизи – Ойибби, Иқлимабону, Регистон майдонининг меъмори Абдуҷаббор каби тарихий образлар ҳам бор. Очиги, бизнинг тарихий қахрамонларимиз жуда кўп. Ўзлик режис- сёрлар учун тарихий мавзу етарли.

Матбуот анжумани сўнггида қатнаш- чилар фильмининг баъзи эпизодлари трейлерини кўрдилар, актёрларнинг ли- бослари, улар ишлатадиган қурол-аслаҳа ва буюмларни кўздан кечирдилар. Фильм ижодкорлари “Баҳодир Ялангтўш” ба- диий фильми келаси йили Ўзбекистон Мустикаллиги байрами арафасида томо- шабинларга тақдим этилишига умид бил- дирдилар.

Гулчеҳра УМАРОВА

ЎЗБЕК ШОГИРДИ

лар орасида ўзининг ноиб бўлиб юрган Кенжа Қора, Арслонқул деганларнинг номлари ҳам учрайди.

Асарни тугаллар эканман, ўғлимдек бўлиб қол- ган Номознинг хоинлар томонидан ўлдирилишига келганда ёзолмай қолдим, бир неча кун ёзув сто- лимга яқинлаша олмадим. Уйқум ҳам бузилган, кўрқинчли тушлар кўраман. “Номоз, тур ўрингдан, қочамиз”, деб додлаб туриб кетган пайтларим ҳам бўлган. Рухий изтироблар исканжасида асарни бир амаллаб ёзиб тугатдим. Лекин бу буюк қахрамон- нинг руҳи кўз олдимдан кетмай қолди. Охири кў- ни-қўшнларни йиғиб, Куръон ўқитиб, ихчамгина худ- дойи оши бердим. Шундан кейингина қалбим таскин топди, хотиржам тортидим.

Саволингизнинг иккинчи қисмида Хошимжон ҳақида сўрагансиз. Хошимжон – бу менинг ўзим, болаликдаги орзуларим, шодликларим, шумликларим, армонларим. Ёзаётганимда бирор воқеани уй- лаб толганим йўқ, турли-туман воқеалар, қувликлару шумликлар ўз-ўзидан оқиб келаверган. Бир ўринда қиқирлаб кулиб, чопқиллаб кўчага чиқиб кетардим, бошқа бир ўринда Хошимжон йиғласа, мен ҳам кў- шилиб йиғлардим. Ҳозир ҳам гоҳида Хошимжонга айланаман, гоҳ саксон ёшли Худойберди бобо бўлиб қоламан.

– Ҳар бир давр болаларининг ўз севи- мли асарлари бўлади. Бугуннинг боласи дунё болалар адабиётининг нодир намуналари- дан бўлган Шарль Пьеро, Андерсен, ака-ука Гриммларнинг эртаклари, Сент-Экзюперининг “Кичик шаҳзода”си ёки Николай Носовнинг Билмасвой ҳақидаги машҳур саргузаштлари- дан кўра аллақандай робот одамча ҳақидаги ҳикояни маъқул кўриши мумкин. Шу маънода болалар ёзувчиси кичик замондошларининг қизиқишлари ва эҳтиёжларидан ҳам хабар- дор бўлиши зарур. Ҳўш, XX асрда болаларни саргузаштларга бой романлари билан обдон ҳайратга солган Худойберди Тўхтабоев янги аср болалари учун қандай асарлар ярат- моқда?

– Тўғри айтасиз, кичик ёки катта асарга қўл уришимдан қатъи назар, аввало ёзмоқчи бўлган асарим ўқувчини ўзига тарта оладими, завқлан- тира оладими, ҳайратлантирадими, деб ўйлаб кўраман. Бош масала ўқувчи диққатини ўзига тортиш бўлади. Қалам аҳли ўртасида “Икки мар- та ўқишга арзимайдиган асар бир марта ўқишга ҳам арзимайди” деган гаплар бор. Техника асри аздамга чиқиб бораёпти. “Одамдан кўра акли- рок” роботлар пайдо бўляпти. Жонли, юзма-юз мулоқотлар ўрнига телевидение, интернет, радио, “зиёнет”лар, телефонлар, уяли телефонларда ширасиз, ҳаяжонсиз кечадагилар мулоқотлар кун- дан-кунга оммалашиб бораёпти. Кино заллари- даги тўхтовсиз томошалар, кўчадаги чаласавод рекламалар... ё тавба! Ана шундай нарсалар бо- лалар ва ўсмирларнинг фикрлашига, бора-бора тафаккурига ҳам таъсир қилмаёпти дейсизми? Мактабларда бўлсангиз, ўқувчи болаларнинг сўз бойлигида техникага оид, компьютерларга оид сўзларни кўп учратасиз. Аммо, минг афсуски, болажонларимиз она тилимиздаги баъзи сўзлар- нинг маъносини яхши фарқлай олишмайди. Ахир, инсон тафаккури сўз бойлиги асосига қурила- ди-ку. Қизиқ бир мисол келтирай. 2009 ва 2010 йиллар давомида болалар ва ўсмирларга бағиш- лаб, ҳаётий воқеалар асосида “Куёнлар салтана- ти”, “Қиз талашган ўсмирлар” номли романларни эълон қилдим. Ўзимча қойил қилдим деб макта- ниб ҳам юрдим. Китобларнинг сотилиш жараёни- ни кузатиб ҳам бордим. Қизиқ, бу асарлар “Жан- нати одамлар” номли романига ёки олдин эълон қилинган романларимга нисбатан ҳам сустроқ со- тилаётганини кўрдим. “Ахир, долзарб мавзуларда ёзган эдим-ку, нега сустр сотилапти экан”, деб ўйланиб қолдим. Шу ўйлар сабаб “Пешонасига те- левизор ёпишган боланинг саргузаштлари” ном- ли кичик бир қисса дунёга келди. Уни нашриётга топширдим. Натижа эса жуда-жуда қизиқ бўлди. Бу қисса олти ой давомида олти марта нашр этил- ди. Тавба, ҳар босилганда юз минглаб, икки юз



минглаб нусхада чоп этилса-я! Гоҳида китобнинг бу қадар кенг оммалашувига нима сабаб бўлди экан, деб ўйлайман. Эҳтимол, бунга “телевизор” ёки “саргузашт” деган сўзларнинг сарлавҳага чиқарилгани сабаб бўлгандир? Бироқ, барбир, ўйлаб ўйимга етолганим йўқ. Айни кунларда кич- ким дошларимни қизиқтирадиган мавзулар- ни назарда тутиб, “Интернет ичига қамалган бола” деган қиссани ёзишга уринаяпман. Қисса кўпроқ миллий кадриятларни тарғиб қиладиган, ўқувчи- нинг сўз бойлигини оширадиган ҳолатда бўлиши керак. Сеҳрли вируслар пайдо бўлиб интернетни томоша қилиб ўтирган боланинг онги ва қалбини ичкарига тортиб кетади. Бола интернет ичидаги кенгликда ранг-баранг томошаларни кўриб мазза қилаёпти. Ниҳоят, бола ташқарига чиқмоқчи, қиш- логига қайтмоқчи бўлган пайтда роботлар йўлини тўсади. Бола қайси миллат вакили бўлса, ўша миллатни миллат қилиб турган камида етмишта белгини билиши шарт экан. Масалан, камида ет- тита эртка, камида еттига миллий қахрамон номи- ни санаси, камида ота авлодидан етти инсоннинг исмини айтиши, камида етмишта мақолни били- ши, мамлакатидagi дарёлардан унатсини санаб бериши, еттига музейни эслаб қолиши... Хуллас, менинг ҳозирча болажонларга сир бўлиб турган қахрамоним мана шундай тўсиққа дуч келиб қол- ди. Қолганини асар битгандан кейин айтаман.

– Бугун миллиятимизнинг кенжа бўғини учун нашр этилаётган китоблардан бир қарашда кўнгил тўлгандек бўлади-ю, ammo миқ- дор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига

мос келмаётган одамни ранжитади. Яъни болаларга аталган китоблар орасида “алда- гани бола яхши” қабилида ёзилганлари ҳам кўп. Болалар учун ёзаётган адиб эса миллат келажиги олдидаги маънавий жавобгарлиги- ни унутмаслиги керак. Бу борадаги фикрла- рингиз.

– Бир маҳаллар Болтиқбўйи республикаларига, болалар адабиёти кунларига борардик. Бу мам- лакатларда ёзувчи деганда болалар ёзувчилари назарда тутилган экан. Латвияга борганимизда, ў- тиз нафар ёзувчидан йигирма тўрттасини болалар ёзувчиси деб таништирилган эсимда. Ҳайрон қолган эдик. Қайси мамлакат иқтисодий жиҳатдан ривожланган бўлса, ўша мамлакатда болалар ада- биёти ҳам ривожланганига кўп бор ғувоҳ бўлганман. Демак, дунёнинг ривожланган мамлакатларида бо- лалар ва улар учун ижод қиладиган ёзувчиларга эъ- тибор жуда катта. Бир мисол айтاي: машҳур болалар ёзувчиси Сергей Михалков касал бўлиб ётганда, уни кўргани ҳукумат бошлиғи Путиннинг борганини те- левизорда кўрсатишди. Норвегиялик машҳур эртка- ки она Асти Лингирен вафот этганда бутун мамлакат бўйлаб бир кунлик мотам эълон қилинди... Албат- та, мамлакатимизда ҳам ижод аҳли учун, айниқса, ёш ижодкорлар учун яхши шароитлар яратилган. Шароит яхши-ю, адабий махсулотларнинг сифати ҳақида бир нарса деёлмайман. Яхши десанг, яхши дейишга арзимайди, ёмон десанг, борини ҳам ёзмай қўйишлари мумкин.

– Бугун ўзбек болалар шеърини ривож- га ҳисса қўшаётган ижодкорлар талайгина.

Лекин болалар ёзувчиларига келганда Худой- берди Тўхтабоев, Эркин Малик... деймиз-да, тўхтаб қоламиз. Озгина истиҳола билан сўра- моқчи бўлганим шукки, Худойберди Тўхтабоев- нинг меҳнаткаш қаламига ворис бўла олади- ган бирорта мард топилармикан?

– Жуда ҳам муҳим масалани ўртага қўйяпсиз. Қани энди бу масалани мамлакатимиздаги бар- ча матбуот органлари ҳам дадил кўтариб чиқса. Ахир, дарсликдан бошқа китобни қўлига ушла- маган болалар ва ўсмирлар кўпайиб бораёпти-ку. Тўғри, ҳозирда ҳар учта қиздан биттаси шоира, тўртинчи-бешинчи синфдаёқ китобларини чиқа- ряпти. Ёзувчилар ифтихорининг “Ижод” фон- дидан камида йигирмата ижодкорнинг йигирма мингтадан китоби чоп этилмоқда. Шулардан биттаси, нари борса, иккитасигина насрга бағиш- ланаяпти. Демак, йигирмадан бири насрга тўғри келаяпти. Абдор Қўшназаров, Динора Раҳимова сингари ўғил-қизларимизнинг кичик-кичик қисса ва ҳикояларини, тўққан эртақларини ўқиб бора- япман. Лекин булар катта адабиёт олдида қили- наётган кичик-кичик машқлар, холос. Булардан умидим катта, ворис бўладиларми-йўқми, буни айтолмайман. Қани энди, ўзим билан бахшлаш- диган шогирдларим бўлса-ю, ана шулар билан ҳурсанд бўлсам.

– **Даҳо шоир Ғетенинг шундай сўзлари бор: “Эллик йил китоб ўқидим. Лекин бу жараёнда билганим ҳеч нарса билмаслигим бўлди”. Сиз эса олтимси (балки ундан ҳам кўпроқдир) йилдан бўён китоблар билан ҳамнафассиз. Адабиёт сизга нима берди?**

– Тўғри савол беряпсиз, киши қанча узоқ яша- са, шунча кўп ўқиса ҳам, шунча кўп нарса билса ҳам, яна тўхтамай ўқишга, билишга интилавара экан. Ёшингиз ўтган сари яна ва яна кўп нарса билгингиз келаверади. Немис файласуфи Гегел: “Мен ҳеч нарса билмайман деган сўзни била- ман” деган экан. Ҳа, дунё кенг, маънавий дунё олами ҳам чексиз ва чегарасиз. Мана энди, коинот оламининг кенглиги ҳақида тушунчалар кўпайиб бораётган пайтда кичкина уш ичиде ўтириб кўп нарса биламан, дейиш ноқулай бўлар экан. Ҳўш, адабиёт менга нима берди? Адабиёт оз бўлса ҳам дунёни танитди, оз бўлса ҳам ўзимни ўзимга та- нитди.

"Дунёда дори-дармон шунчалик кўпайиб кетдики, энди уларга мос касаллик топиш керак..."

Ийқ, бўлмади. "Қулоққа гап кирмаса, оғиз тинмайди". Яъни ақли калта одам, жағига зўр беради.

Бунисиям унча ўхшамади. Ҳар сафар ўқувчини биринчи жумладаноқ асаримга михлаб кўядиган фикр билан бошлайман, дейман, қаёқ-да! Сўзлар сўзларга кўшилиб, чўзилгандан чўзилиб бораверади, аммо маънили фикрни тополмайман.

Бу сафар ҳам ниятимга етолмадим, чамамда. Хуллас, азонда биров кулогимга михни суқиб, мих бўлгандаям пармалисини суқиб бораётгандай бўлди. Оғриқча чидаб бўлмайди. Хонада зир югураман... (Шу ерда сал муболаға қилиб юбордим: бир хонали уйда турсам, қаёққа ҳам югурардим). Йулакка чиқдим, паства тушдим. Яна тепага кўтарилдим.

Кўшним — тиш шифокори чиқиб

лади. — Унда мен билан юринг, зўр кулоқ дўхтиримиз бор, кўрсатамиз. Уям ўзимиздан... Бир литрғача етказилади.

Кулоқ дўхтири аломат инсон экан. Мени зшитаётганда ўнг кафтини ўнг кулогининг орқасига қўйиб олди. Эшитиб бўлгач, бир йўталиб, чап кулогини бармоғи билан беркитиб, олдин ўнг, сўнг чап бурнини бирин-кетин тортиб, ёзишга киришди.

— Томоққа нима бўляпти ўзи? — сўради у учинчи марта.

— Томоғим эмас, кулоқ оғрияпти, кулоқ! — бўкириб бердим. "Кулоқ" деб уч марта айтдим, бу ёқда дард азоблаб турибди, бўкирасиз-да.

— Секинроқ, секинроқ, — деди у. — Касалларимни қочириб юборасиз, биздаям бола-чақа бор. Оғизни очинг-чи?

Бу билан имо-ишора орқали гап-

қилди. — Куруқ шамоллаган! Ётқизиб даволаймиз!

Кўшним қўли кўксига, эшик томонга юрди.

Даволанишни бошладим.

Айтганларидай кулоқсиз яшаб бўлмас экан! Лекин дард азоблаб турса, бунақа кулоқнинг боридан йўғи яхши, деб юбораркансиз. Кулоққа дори куйганда айтарли ўзгариш бўлмайди. Укол қилгандан кейин оғриқ қолади. Аммо бир-икки соат ўтгач, яна оғриқ бошланади-да!

Дўхтир учрайман: уч марта гапларимни такрорлаганимдан кейин, у тушунади.

Ўтказиб олсам. Акамининг кулоқларини даволаш ишларини илмий асосда олиб бораёямиз... Аммо биласизми, биз кутган натижани бермаяпти. Эрталаб, тушда, кечкурун уколлар қўляямиз, дард ортага чекинади... Бир соат-ярим соат ўтиб яна дард! Бир тишларини кўриб қўймайсизми? Тиш билан кулоқнинг томилари чатишиб кетган. Балки...

Кўшним ҳамкасбининг гапларини унча тушунмай, бироз анграйиб турди. Сўнг масаланинг мағзига етиб, тепамга келди. Мен сўзсиз оғзимни ланг очдим!

— Ҳе-хэ! — деди кўшним кувониб. — Укамизга ақл тиши чикяптикан-ку! Учи кўришиб қолибди!

Аммо этни ёриб чиқолмай, акамингизга андак азоб берибди! — Йў-ёе! — кулоқ дўхтирим сақраб тушди. — Бу ёғи неча

пуддан тушди?! — Ҳа, мана кўринг... — кўшним оғзимга ишора

қилди. — Ўзингиз кулоғи оғрияпти деб бошлаб келгандингиз... Биз... — кулоқ дўхтир хафа бўлиб, афтини буриштирди.

— Майли, майли, Ленин ҳам хато қилган! — Кўшним дўхтирнинг елкасига шапатайлади. Сўнг кўллариини бир-биринга ишқаб, давом этди. — Консилумни ўтказиб олайлик, бир зумлик иш, тепасини қайчи билан қирқиб, йўл очиб қўяман, тиш ўйнаб-қулиб чиқиб кетади. Қани, сомсадан олинглар!

Олинглар "олинглар"га қўшилиб кетди. Учунчи қадахни олаётганимда улуг бир гапни эшитиб қолдим: ақл тиши одам ўттиздан қирққа сакраётганда, ақли тўлганда чиқаркан... Демак, ақлим тўляпти экан, бунинг учун олмаслик гуноҳ!

Тиш шифокорининг кулоқ, бурун, тамоқ дўхтирига имо қилиб айтишича, одам қирққа киргунча, бундай хатоларга қўл қўйиши табиий ҳол экан.

Кулоқ, томоқ, бурун кўп тармоқли дўхтирнинг таъкидлашича эса, ақл битмагандан кейин, одам юзга кирсин, унга ўн марталаб ақл тиши чиқсин, ақл-сизилгича ўтиб кетаркан!

Уларнинг сўхбатига кулоқ тутиб, афтларига бир-бир қараб, қайсинисига



чиққан, қайсинисига ақл тиши чиқмаган, билолмадим.

— Ҳўп, энди биз ақл тиши билан курашни бошлаймиз! — кўшним эшик томон бурилиб, яна ортига қайрилиб, ияғи билан дастурхонга имо қилди. — Унгача сиз консилумга тайёргарлик кўриб туринг, бизни кутинг ва биз қайтармиз!

— Йўқ, йўқ, кемага тушганнинг жони бир, — дўхтир ортимиздан юрди. — Укамиз сизга қадрдон экан, бир хафта даволаниб, бизгаям қадрдон бўлиб қолди. Биргалашиб ақл тиши чиқарамиз!

У ёғи нима бўлди? Ҳа, тиш дўхтирининг столига ўтирдим, оғзимни очдим, укол қилишди...

— Беш минут ўтириб турасиз, — кўшним кулди, — оғзингизни очиб!

— Унгача биз консилумни жиндай давом эттирамиз! — кулогим дўхтири қиқирлади. — Тозасидан биздаям бор, биргалашиб чиққанмиз!

Кейин... Бегона хонада уйғондим. Ҳамширанинг ҳикоя қилишича, кўшним ақл тишим қилиб, ёғидиғисини омбурига тишлатибди.

— 4-4-4-чамамда, Ленинга қўшилиб, с-с-сизам хато қўляпсиз, акагинам, буниси сугуриш керак! — деб кулоқ, томоқ, бурун дўхтири унинг биллагига ёпишибди.

— Ие, ие, ие, менга ақл ўргатадиган бўлиб қолдиларми? Бизнинг ишга кулоқ, томоқ ва буруннигизни суқманг, укам! — деб тиш шифокори омбурини силтабди.

Икки ўртада мен ўзимдан кетиб, креслодан ағдарилиб тушибман.

— Қўлингизни босиб тушиб, синдирибсиз! — деди ҳамшира.

Қарасам, ўнг қўлим гипсланган!

— Қойил! — дедим. Қойил қола-сиз-да! Ҳойнаҳой, қўлимни гипсланган дўхтирнинг ақл тиши чиққан бўлса керак. Бўлмаса, синган қўлим қилиб, оёғимни гипсланган бўларди!

Саид АНВАР

ҚАТРАЛАР

ЭЪТИҚОД

Қизалоқ гўдаклигида ота-онасининг юзини ерга қаратмасликка тиришарди. Улғайиб, мактабга борганда ҳам шуни уйлади. Бир куни унга "ўғри" деб тўхмат қилишганида ота-онаси ўзини ёмон кўриб қолишдан қўриқиб кетди. Йиғлади. Айбисизлигини айтгиси, уларни жуда кўргиси келди...

Ахир, у ота-онасини бирор марта кўрмаган эди.

ЭНГ ОЛИС МАСОФА

— Совуқ едим. — Қизимизга итга овқат беришни тайинлаганимдинг? — Худойим-ё! Шу ёлғирда зиёфатингиз нимаси эди! — Майли-майли... Бугун яхши таассурот қолдирсам ишларим юришади! Қизил костюмим савлатли кўрсатаётгандир? — Айтганча, эртага синглимининг туғилган куни. Унутмагандирсиз? — Эртага жумамиди?.. Палакат! Сахарлаб қишлоққа боришим керак! ...Эр ва хотин бир соябон остида узун йўлак бўйлаб кетиб боришарди.

ДАЛДА

— Севги йўқ нарса, ўсмирликнинг беъмаънилиги холос, бари тезда ўтиб кетади, — деб шоғирдига далда берди кекса боғбон, қачонлардир муҳаббатини рад этган синфдош қизни эслаб қалби ўкинчга тўларкан...

ФАРЗАНДЛАР

Бобонинг уч ўғли гаплашиб келишарди: отасининг қишлоққа нафи кўп теккан — ҳамма томларни ўзи ёлган эди.

Бобонинг уч ўғли мақтаниб келишарди: отасининг давлатга ҳам нафи кўп теккан — уч ўғли уч мансабда!

Бобонинг уч ўғли мактаб келишарди: отасидай мулоим одам йўқ — саксон ёшга кириб ҳам бировнинг кўнглини оғритмабди...

Уч ўғли... отасининг жанозасига уч кун кечикиб келатганини билмасди.

ҚАЛБНИНГ МАНТИФИ

— Сиз бизнинг онамиз эмассиз! Ўз онамиз бизни ҳеч қачон ёмон кўрмаган! Бирор марта урмаган, уришмаган! Ва... ва ҳеч қачон етимчалар, деб қарғамаган! Биз онамиз билан қоламиз! Барибир ўз онамиз яхши!

Болалар шундай деб ўзларини ўғай онасининг бағрига отишди...

БЕГОНА

— Сизни олдин ҳам кўрганга ўхшайман, — деди йигит дўстининг хотини билан қуришаркан, жилмайишга уришиб.

— Мен эса, йўқ, — деди аёл. Аёлнинг кўзларида ёш бор эди...

ТАЗАРРУ

Унинг кўзларида ёш. Акасининг елкасидан кучиб, ўтинч билан шивирлади:

— Кечир ака, ўша аблаҳ мен эдим! Ўзим ўзимни кечиролмасам-да, сен кечир! Тунда уйингга ўғринча кирган мен эдим, мен!.. Асли ундай қилмоқчи эмасдим... Менга фақат пул керак эди. Лекин нима қилай, ўзинг келиб ташландинг. Атроф қоронғу... қўлимда эса пичоқдан бўлак ҳеч нарса йўқ эди... Бу ўртамазда қолади-я, тўғрими? Тесс!.. Бари сир бўлиб қолса майлими?

Шу пайт орқадан вазмин овоз эшитилди: — Уни тинч қўйинг, иним. Жигарингизга Оллоҳнинг ҳукми шу экан...

Байрам АЛИ

БОЛАЛАР

Шўх-шодон болаларимиз, Нур ичган лолаларимиз. Эзгу мақсадлар билан Фақат олға борамиз.

МАҚОЛ

Тилмиз кўрки мақол, Гўё тундаги ҳилол. Ҳикматлар дунёсида Достонлар топмас заво.

Ниятларимиз улкан, Ўртни этгаймиз чаман. Кучимизни берамиз, Гуллаб-яшнайди Ватан!

Боболарим сўзида, Момоларим кўзида, Бахшиларнинг созида Мангу яшайди мақол.

Шаббона ЁҚУБОВА, Миробод туманидаги 213-мактаб ўқувчиси

Ўзбекистон Бадий академияси жамоаси Камолитдин Бехзод номидagi Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Анвар ИЛҲОМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси уюшма аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи Луқмон Бурхонга отаси Карамхон ҳожи ота БҮРИЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



Рассом Ҳусан СОДИҚОВ

қолди. Яхши одам: олтмишни урган бўлсам, ҳалиям бир литрғача "уради"! — Ҳа, ука, эрталабдан бош оғриқ қидириб юрибсизми?

— Уфф! — бош чайқаб, унга тушунтирган бўлдим. — Кулоқ...

— Ҳм, кулоқми? — у хафсаласи пир бўлгандай лабини бурди. — Эмизикли онанинг сўтидан томизиб кўрмадингизми?

Эмизикли онани қайдан топаман дегандай, кўллариини икки ёнга ёздим.

— Дарвоқе, — кўшним масаланинг мағзига тушунди. Сўнг ташқарига им-

лашган маъқул-ов, деб томоқни кўрсатиб, бош чайқадим. Кулоққа имлаб, тасдиқ ишорасини қилдим. Тушунди: пешонасидаги чироқни оғзимдан олиб, кулогимга тўғрилади.

— Кулоқ, томоқ, бурун билан ҳазиллашиб бўлмайди, — гап бошлади дўхтир томоғига чертиб. — Масалан, беш дақиқа нафас олмай туроласизми? Туролмайсиз. Томоқдан бир лўкма ўтмай турса, ошқозон, юрак, ўпка, жигар деганлари икки соатга бормай дод деб юборади. Кулоқсиз яшаб бўлмаслигига ўзингиз амин бўлиб турибсиз. Шамоллаган! — у кўшнимга қараб хулоса

— Касалликнинг келиши осон, кетиши қийин, — дейди ХАЖВИЯ у томоғига чертиб. — Кулоқ деганлари ўта нозик нарса бўлади. Кулоқ қаёқдаги тиш эмаски, шарт суғириб олиб ташласангизу бошқасини кўйсангиз дарддан халос бўлсангиз. Даволаш ишлари илмий асосда, бошқичма-бошқич олиб борилмоқда. Яхши бўлиб кетасиз, шошилманг!

Бир хафтани ойнанинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ, деган ашулани туну кун хиргойи қилганча ўтказдим.

Саккизинчи куни тўртта сомсани кўтариб кўшним — тиш шифокори хонамга кўргани кирди. Унинг ортидан сомсанинг хидидан сезганим, кулогимнинг дўхтири пайдо бўлди.

— У-у-у, дўхтир, бормисиз? — деди у кўллариини бир-бирига ишқалаб. — Ўзи сизни чакиртириб, бир консилум ўтказасакми, деб тургандим.

— Консилумга тайёргарлик билан чиқдик, — деб кўшним қоши билан сомсаларга ишора қилди. Сўнг кўкрак чўнтағидан шиша олиб, кроватим остига қўйди.

Дўхтирнинг кулоғига бу гаплар мойдай ёқдим, бир мартада эшитди:

— Эй, зогсиз, зогсиз! — деб жилмайиб томоқ қирди, ҳавони шимириб, бош юборади. Кулоқсиз яшаб бўлмаслигига ўзингиз амин бўлиб турибсиз. Шамоллаган! — у кўшнимга қараб хулоса

МЕЪЁРИЙ ҚОИДАЛАР

Пискент тумани ФВБ ходимлари томонидан қурилиш ишлари даврида ёнғинга қарши тадбирлар тўлиқ бажарилишининг таъминланиши, лойиҳа ҳужжатларига шаҳарсозлик соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган ёнғинга қарши тадбирлар тўлиқ киритилиши ва давлат экспертизасидан ўтказилиши масканларнинг фойдаланишига қабул қилиш жараёнларида ва профилактик кўриқларда атрофлича ўрганилмоқда.

Урганишлар давомида шаҳарсозлик меъёр ва қоидалари талаблари асосида лойиҳа ҳужжатларида биноларнинг қутқарув йўллари ва чиқиш эшикларининг тегишли электр таблолар билан таъминланиши ва чиқиш эшикларининг бинодан чиқиш йўналишида ўрнатилиши, ёнғинга қарши ери ости гидрантлари ёки сув ҳовузи ташкил этилиши, ҳудудда ёнғин ўчириш насос станцияси кўзда тутилиши каби тадбирларнинг бажарилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бундан кўзланган мақсад — қурилаётган, реконструкция қилинаётган ёки капитал таъмирланаётган бинолар асрлар давомида халқимизга муносиб хизмат қилишини таъминлашдан, аҳолига барча қулайлик ва шарт-шароитларни яратиш, хавфсизликни таъминлашдан иборатдир.

РАҲРОРОВ, Пискент тумани ФВБ бошлиғи, подполковник. ЗАБИХОЛИҚОВ, Пискент тумани МТБ бошлиғи, капитан.

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ



ПАҚИЛЛОҚ — ЎЙИНЧОҚ ЭМАС

Янги йил байрами яқинлашар экан, ўқувчилар орасида пиротехника воситаларидан фойдаланиш авж олади. Пойтахтимиздаги мактабларнинг бирида ўқувчи синфдошига ҳазил қилиб, "Трения" пақилдоғини ёқиб отган. Натижада қаттиқ товушдан кекса бир аёлнинг юрак хуружи тутиб қолди. Бошқа жойда бехосдан отилган пақилдоқдан аёлнинг шифохонага тушишига сабаб бўлди.

Шу ўринда савол туғилади: нега айрим ота-оналар пиротехника маҳсулотлари атрофдагиларнинг соғлиғи учун зарарли эканини билсалар-да, уларни фарзандларига олиб беравердилар?

Олиб борилаётган тадбирлар самара бериши учун фақат фавкулда вазиятлар ходимлари эмас, балки барча фуқаролар биргаликда саъй-ҳаракат қилсак, болалар ва ўсмирларнинг ушбу хавфли ўйинчоқни ўйнашларига йўл қўймасак, юқоридаги каби нохуш ҳолатларнинг олди олинади.

Тўғун ҲОЖИМУРАДОВ, Ташкент шаҳар ФВБ "Туркiston" ЁХТТЗБ бошлиғи, майор. Шерзод НУРМАТОВ, Ташкент шаҳар ФВБ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига қарашли ЁХТТЗБ мутахассиси, катта сержант.



Қиш Зийнати



Ўzbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКISTON ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



Бош муҳаррир Салим АШУР

Тахририятга келган кўғезмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ. Навбатчи муҳаррир: Ҳумоюн АКБАРОВ. Саҳифаловчи: Нигора ТОШЕВА. Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган. Адади - 863. Буюртма Г - 1244. Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2. Наир кўрсаткичи - 222. Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ Сотувда нархи эркин. ISSN 2303-614X 97721231614000